

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК 725.573 (575.1)

САЪДУЛЛАЕВА НИГОРА ФАЙЗУЛЛАЕВНА

“Ҳозирги замон болалар боғчаларининг архитектуравий ечимлари”
(Юнусобод мисолида)

5А340101 — «Бино ва ишоотлар архитектураси»

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор
арх. док. проф. Хидоятов Т.А.

ТОШКЕНТ-2013

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	4
I боб. Мактабгача таълим муассасаларининг болалар билан максимал қамраб олиниш муаммоларини ечишнинг замонавий йўналишлари ва тадқиқотлари.	10
1. Қисқача тарихий маълумотлар.	10
2. Замонавий мактабгача ёшдаги болалар муассасалари тўғрисида умумий ҳолатлар.	11
3. Ҳозирги замонда Ўзбекистонда ижтимоий – демографик жараёнларнинг ўзига хос жиҳатлари.	21
3.1. Мактабгача болалар муассасалари типлари ва тармоқларининг замонавий тенденциялари улардаги жойларга бўлган юқори эҳтиёжга боғлиқ равишда ривожлантириш.	22
I боб бўйича хулоса.	38
II боб. Юнусобод турар-жой массивидаги (МТМларида ўринлар танқислиги муаммосини ечишда) 19 – микрорайонда турар-жой бинолари ичига ва уларга қўшиб қуриладиган мини-болалар боғчалари тармоқлари ва типларини рационал ташкил этиш.	39
1. 19 – микрорайоннинг шаҳарсозлик жиҳатларини аниқлаш ва мактабгача болалар муассасаларида ўринлар танқислигини ҳисоблаш.	39
2. 19 – микрорайонда мини – болалар боғчалари тармоғини шакллантириш асоси сифатидаги микрizonaлар.	43
3. Мини – боғчаларни 19 – микрорайондаги 5 ва 9 қаватли турар-жой уйлари структурасига жойлаштириш вариантлари.	45
4. 19 – микрорайонда мини – болалар боғчалари тармоғини рационал ташкил этиш учун берилган (бошланғич) позициялар.	47
5. 19-микрорайондаги турар-жой уйларида ички қуриладиган мини-болалар боғчалари тармоқларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар.	50

6.	19-микрорайонда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари тармоқларини қуришда графо-аналитик методдан фойдаланиш. .	52
7.	Янги турар-жой тузилмаларида турар-жой уйлари ичига қуриладиган мини-боғчалар тармоғини ташкил этишнинг асосий жиҳатлари.	55
8.	Янги қуриладиган микрорайонлар шароитларида мини-боғчаларнинг тармоғи ва типлари.	57
II боб бўйича хулоса.		64
III боб. Ўзбекистон қурилиш учун мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини архитектуравий ташкил этиш бўйича тавсиялар . .		65
1.	Турар-жой уйлари ичига қуриладиган мини-боғчаларга қўйиладиган педагогик талаблар	65
2.	Умумий типдаги ясли – боғчаларнинг тархий ечимларига қўйиладиган талаблар.	67
III боб бўйича хулоса.		86
Хулоса.		87
Илова.		90
Адабиётлар рўйхати.		102

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейинги ижтимоий дастурларнинг устувор вазифаси иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда республикамиз аҳолиси фаровонлигини таъминлашдир. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг мустақиллигимиз 15-йиллигига бағишланган маърузасида: “Бугун биз тўлиқ ишонч билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимиздаги энг юксак қадрият, энг катта бойлик – бу давлатимиз манфаатлари, биринчи галда инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинлиги” деб таъкидланган¹. Президентимиз нутқида нафақат республикамизнинг катта ёшдаги аҳолиси, балки энди ўз ҳаёт йўлини бошлаётган, келажакда жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланадиган фарзандларимиз ҳақида ҳам катта ғамхўрлик сезилиб турибди. Аҳолининг ушбу қисмини уларнинг ҳар томонлама уйғун, баркамол ва маънавий ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш биринчи даражали муҳим вазифадир. Ушбу муаммони биринчи галда мактабгача ёшдаги болаларни болалар боғчалари билан максимал қамраб олиш ва ушбу муассасаларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарур.

Бугунги кунда статистика маълумотларига мувофиқ²: «Ўзбекистонда 2-7 ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим муассасалари билан қамрови бор-йўғи 22,7 фоизни ташкил этади». Болаларнинг мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олинишининг паст даражаси нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларида ҳам кузатилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Илм-фан, таълим, маданият ва спорт ишлари бўйича қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида қайд этилганидек,

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бизнинг жонажон мукаддас юртимиз, сенинг мустақиллигинг доимий бўлсин” Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали чиқишидаги нутқи. Халқ сўзи, 2006 йил 2 сентябр.

² <http://www.vesti.uz> (5 ноябрь 2012, 18:31 Общество)

Қашқадарё вилоятида мактабгача ёшдаги болаларнинг болалар боғчалари билан қамраб олиниши 11,4 фоизни, Сурхондарё вилоятида – 11 фоизни, Хоразм вилоятида – 15,8 фоизни ташкил этади.

Вазиятнинг мана шундай қарор топиши муносабати билан мактабгача ёшдаги болаларни болалар боғчалари – яслилар билан юқори даражада қамраб олиш муаммоси Ўзбекистонда муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммо янги мактабгача тарбия муассасалари биноларини қуриш масаласи билан бевосита боғлиқ. Бироқ, агар уларнинг қиймати юқорилигини ҳисобга олсак, муаммонинг бундай ечими жуда кўп вақтни талаб қилиши яққол кўзга ташланади. Бунинг устига, у шаҳар ҳудудида улар учун бўш участкалар ҳам етишмайди. Шу муносабатда, мазкур муаммонинг ечимига қаратилган диссертация мавзусини бугунги кунда долзарб ва ўринли деб айтиш мумкин.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши экспериментал тадқиқот объекти сифатида Тошкент шаҳрининг Юнусобод мавзеси ҳудуди доирасида белгиланган. Ушбу мавзе танланганлиги шу билан асосланадики, унда Ўзбекистон селитеб ҳудудларини ташкил этишнинг кеч қурилиш даврига оид тамойиллари ўз аксини топган бўлиб, улар замонавий шаҳар қурилишининг барча белгиларини мужассам этган.

Тадқиқот предмети болалар мактабгача тарбия муассасалари тармоғини оқилона ташкил қилиш, уларни шаҳар турар жой мавзеларидаги бундай муассасалар билан мактабгача ёшдаги болаларнинг энг юқори даражада қамраб олиниши муаммосини ҳал қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш ва маъмурий-тархий ечимлар масаласидир.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари – Ўзбекистон шароитида шаҳар тураржой мавзеларидаги болалар мактабгача тарбия муассасаларида жойлар етишмаслиги муаммосини энг кам молиявий ва моддий сарф-харажатлар билан ҳал қилиш бўйича илмий асосланган таклифлар бериш. Ушбу мақсадга эришиш учун **бир қатор асосий вазифалар** белгиланган:

1. Ўзбекистон шаҳарларида болалар мактабгача тарбия муассасалари қурилишини ривожлантириш бўйича умумий вазиятни таҳлил қилиш;

2. Болалар мактабгача тарбия муассасаларини қуришнинг хорижий тажрибасини ўрганиш;

3. Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг болалар мактабгача тарбия муассасаларидаги жойлар билан таъминланганлиги муаммосини ҳал қилиш йўллариини излаш;

4. Болалар мактабгача тарбия муассасаларининг оқилона тархий ечимларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари турар жой бинолари ичига киритиладиган, шунингдек уларнинг ён томонларига туташтириб қуриладиган болалар мактабгача тарбия муассасалари блоклари тизимини ишлаб чиқишда ўз ифодасини топиши мумкин. Бунда шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатишнинг умумий тизимида ташкилий-услубий марказ ролини ўйнайдиган болалар боғчаси-ясли асосий типи асосий ўрин эгаллайди.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.

Ўзбекистондаги шаҳар аҳолисининг болаларни мактабгача тарбия муассасалари билан энг юқори даражада қамраб олишга бўлган талабини тўлиқ қондириш нуқтаи назаридан масалани чуқур англаб етиш ва унга илмий ёндашиш талаб этилади. Шаҳарлар турар жой мавзеларидаги болалар мактабгача тарбия муассасаларида қўшимча жойларга эҳтиёж бутун Ўзбекистон миқёсида юқориликча қолмоқда. Бундай вазиятда хусусий болалар боғчалари – яслиларнинг жадал ривожланиб бораётгани ёки хусусий тартибда ёлланма тарбиячилар жалб этилаётгани кузатилмоқда. Табиийки, аҳолига бундай хизмат кўрсатиш тизимини қониқарли деб бўлмайди, зеро, бундай ҳолларда болалар тарбияси билан аксарият ҳолларда тегишли педагогик маълумотга эга бўлмаган шахслар шуғулланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда илмий даражада ушбу

муаммонинг ечимини излашга қаратилган ҳеч қандай тадқиқотлар олиб борилмапти. Болалар мактабгача тарбия муассасаларига бағишланган ишлар бирмунча бошқача тусдаги йўналишга эга. Чунончи, Коволева Р.М.нинг «Ўрта Осиёнинг IV иқлимий зонаси шароитида болалар боғчалари – яслиларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш» (Ўрта Осиёнинг IV иқлимий зонаси шароитида турар жой ва жамоат бинолари типологияси» илмий ишлар тўплами. ТашЗНИИЭП, Тошкент-1984) деб номланган асарида Ўрта Осиё шароитида гуруҳлар ячейкаларида улардан бутун йил давомида ва кўп мақсадли самарали фойдаланиш учун соя солувчи бостирмалар қуриш зарурлиги асослаб берилган; архитектура мутахассислиги талабалари учун “Жамоат бинолари типологияси” ўқув қўлланмасида (Ўзбекистон файласуфларининг миллий жамияти нашрияёти. Тошкент – 2008) болалар мактабгача тарбия муассасаларини қуриш масаласи хусусида Хидоятлов Т.А. уларнинг меъморий-тархий ечимларини янада такомиллаштириш ва замонавий қурилиш усулларида фойдаланишга эътиборни қаратади; муаллиф Зимаков Т.М. томонидан ишлаб чиқилган ШНК лойиҳалаштириш меъёрлари – “Болалар боғчалари – яслилар” (2002) Ўзбекистон шароитида болалар мактабгача тарбия муассасаларини лойиҳалаштириш учун меъёрий маълумотлар ва тавсиялар йиғиндисидан иборат; Ғофур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашрияётида 1974 йилда нашр этилган “Замонавий Ўзбекистон меъморчилиги” номли китобида муаллиф Қодиров Т.Ф. “Болалар мактабгача тарбия муассасалари” бўлимида Ўзбекистон шароитида болалар боғчалари-яслилар қурилишининг меъморий-тархий ечимларини таҳлил қилади, уларни қуришнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ беради.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.

Тадқиқотнинг методологик ва назарий асослари мазкур масалани ўрганиш

стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг назарий қисмини изчил баён қилишнинг мантиқий “пойдевори”ни моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқот усуллари мавзуни имкон қадар тўлиқ очиб берилишини таъминлайдиган ишончли манбалар ҳамда Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг ҳақиқий эҳтиёжлари асосида олинган натижаларни тизимли ўрганишга асосланган. Бу тизимга: адабий манбаларни, амалдаги нормативларни, лойиҳавий материалларни ўрганиш, уларнинг қурилишига оид хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганиш, болалар мактабгача муассасаларини кузатиш ва улар ходимлари, ота-оналар билан анкета сўровларини олиб бориш ва фотофиксациялар ва ҳ.к. киради.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: биринчидан, мазкур тадқиқот натижалари Ўзбекистонда болалар мактабгача тарбия муассасалари билан боғлиқ меъморий муаммолар соҳасидаги камчиликни тўлдиради, иккинчидан, лойиҳа-қурилиш амалиётида илк бор илмий-асосланган натижалар қўлга киритилдики, улар республикамиз шаҳарларидаги болалар мактабгача тарбия муассасаларида жойлар етишмаслигини нисбатан кам иқтисодий харажатлар билан бартараф этиш имконини беради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистонда болалар мактабгача тарбия муассасаларини лойиҳалаш ва қуриш амалиётида ва илмий доираларда уларни тураржой мажмуаси таркибига интеграция қилиш масаласи кўтарилади, зеро бундай ёндашув капитал маблағлардан самарали фойдаланилишини, Ўзбекистон шаҳар аҳолисига янада қулай ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.

Диссертация кириш қисми, учта боб ва хулосадан ташкил топган. Ҳар бир боб умумлаштирувчи хулосалар ва тақлифлар билан яқунланади. Биринчи боб болалар мактабгача тарбия муассасаларини қуришга оид маҳаллий ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштиришга бағишланган; иккинчи бобда тадқиқотнинг асосий таҳлилий қисми

берилган; учинчи бобда тадқиқот натижалари ва лойиҳавий таклифлардан иборат.

**I боб. Мактабгача таълим муассасаларининг болалар билан
максимал қамраб олиниш муаммоларини ечишнинг замонавий
йўналишлари ва тадқиқотлари**


1. Қисқача тарихий маълумотлар

Ўзбекистонда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг янги бинолари ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида қурила бошланди. Болалар боғчалари ва яслиларидан фойдаланиш жараёнида тўпланган тажриба асосида ушбу муассасалар биноларини лойиҳалаш ва қуришга оид меъёрий ҳужжатлар яратилди ҳамда уларга қўйиладиган асосий талаблар ишлаб чиқилди, шунингдек, мазкур муассаса биноларининг типлари такомиллаштирилди. Дастлаб, бу катта бўлмаган бинолар – бир – икки гуруҳга – ясли ва болалар боғчасига мўлжалланган алоҳида бинолар бўлган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги 50 – йилларда бу биноларни тўрт – саккизта гуруҳга йириклаштириш ясли ва боғчаларни битта бинога бирлаштириш тенденцияси олдинга сурилди. Бу тадбир биноларни қуришда ва эксплуатация қилишда сезиларли иқтисод қилишга эришиш ҳамда турли ёшдаги болалари бўлган ота-оналарга болаларни ясли ва боғчага олиб бориш ҳамда олиб қайтишга ортиқча вақт йўқотилишини бартараф этиш имконини берди. Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида одатдаги, узайтирилган кунли, сутка давомидаги гуруҳларнинг шакллантирилиши ёки ушбу бинода умумий типдаги узайтирилган кунли гуруҳларнинг алоҳида ажратилиши турли касбларда фаолият юритаётган ота-оналар учун катта қулайликларни яратди.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари учун бинолар қуриш оммавий қурилишнинг энг кенг тарқалган турларидан бирига айланди. Бу қурилиш тури жойнинг табиий – иқлим шароитларига жавоб берадиган типли лойиҳалар асосида амалга оширила бошланди. Бу лойиҳалар ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларига, илмий-тадқиқотлар ва тўпланган тажрибаларга боғлиқ ҳолда доимий равишда такомиллаштирилди.

2. Замонавий мактабгача ёшдаги болалар муассасалари тўғрисида умумий ҳолатлар

Замонавий мактабгача ёшдаги болалар муассасалари 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлади. Улар сиғимига кўра 3 та гуруҳга эга бўлиб кичик, 6 та гуруҳдан ташкил топган ўрта ва 12 та гуруҳдан иборат бўлган катта гуруҳларга бўлинади. Уларнинг синфланиши (классификацияси) ва типологик параметрлари замонавий шаҳарсозликнинг савол ва масалаларига бевосита боғлиқдир.



1-расм. 1-ТУРАР ЖОЙ ГУРУҲИ – 2–2.5 минг аҳоли. 150 м радиусдаги биринчи даражали хизмат кўрсатиш муассасалари. Бинолар: болалар ясли-боғчаси, бирламчи хизмат кўрсатиш блоки (қаҳвахона, буюртмалар бюроси, ТЖФМ ва б).

2-МИКРОРАЙОН-6-13 минг аҳоли. 400 м радиусдаги кундалик хизмат кўрсатиш муассасалари. Бинолар: умумтаълим мактаби ва ижтимоий марказ (универсал зал ва кутубхонага эга клуб биноси, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, ТЖФМ).

3-ТУРАР ЖОЙ ТУМАНИ-25-50 минг аҳоли. 1200 м радиусдаги мунтазам хизмат кўрсатиш муассасалари. Бинолар: савдо маркази, маданий-маърифий марказ, спорт мажмуаси, поликлиника ва коммунал-маиший корхоналар.

4-ШАҲАР. Ҳар замонда (гоҳ-гоҳида) фойдаланиладиган муассасалар.


Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб эски кварталли ва посёлка типигаги қурилиш ўрнини янги шаҳарсозлик тизими эгаллай бошлади, бу тизим шаҳар ҳудудини аниқ ва пухта дифференциаллаштириш ҳамда поғонали структурага ажратишга асосланган тизим бўлиб, у қуйидаги: турар-жой гуруҳлари, микрорайон турар-жой районлари ва шаҳар марказидан иборат бўлади. (1-расм)

Бу тизимга мувофиқ равишда ўз яшаш (турар-жой) гуруҳларига эга бўлган микрорайон аҳолига бирламчи ёки кундалик хизмат кўрсатиш корхоналари билан яшаш (турар-жой) тузилмасини намоён этади. Яшаш (турар-жой) райони бир нечта микрорайонлардан ташкил топади ва ўз ичига даврий хизмат кўрсатиш (кино, клуб, кутубхона, спорт заллари)ни киритади; шаҳар марказида эпизодик хизмат кўрсатиш корхоналари – йирик кинотеатрлар, драма ва опера театрлари, савдо ҳамда маданий – оқартув муассасалари ва бошқа муассасалар жойлаштирилади. Ҳар бир шаҳарсозлик тизимида мактабгача таълим муассасалари учун 300-350 м бўлган радиусда микрорайонларнинг яшаш гуруҳларидан жой ажратилган. (2 - расм).

Бундай радиус бир томондан турар-жой уйларига максимал яқинлашишни, иккинчи томондан эса уларнинг микрорайон ҳудуди бўйлаб бир текис тақсимланишини таъминлайди.

Амалдаги шаҳарсозлик талабларига мувофиқ шаҳарларда сиғими 140 ўриндан кам бўлмаган мактабгача ёшдаги болалар муассасалари учун бинолар қурилишига рухсат берилади. Бундай шароитларда 10, 15, 20, 25 ва ҳ.з. минг сонли аҳолига эга бўлган микрорайонларда 3 – 4 ва ундан ортиқ мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилиши мумкин. Турар-жой (яшаш) тузилмаларида хизмат кўрсатилиши лозим бўлган болалар сони шаҳарсозлик меъёрлари билан аниқланади. СНиП II-60-75 “Шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш”да мактабгача болалар таълими муассасаларининг болалар билан

максимал қамраб олиниши қуйидаги меъёрлар билан ўрнатилган: биринчи навбатда қурилиш – 60%, ҳисобланган муддатда 75%.



2-расм. Шаҳар турар-жой тузилмаларида ясли – боғчаларни жойлаштиришга оид мисоллар. (1 – сонли ясли – боғча қурилиши): а-м/р (марказий режавий туман) № 22, (Чилонзор), б – м/р № 23 (Чилонзор), в – м/р № 5, г – м/р турар-жой тумани № 24

Ўзбекистонда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида болалар учун қуйидаги асосий ёшдаги гуруҳлар белгиланган:

- ясли гуруҳи – 3 ёшгача бўлган болалар гуруҳи. Бу гуруҳ қуйидаги кичик гуруҳларга бўлинади:

- кичик ёшли ясли гуруҳи – 1 ёшгача (гуруҳ 15 та болани ўз ичига киритиши мумкин);

- ўртача ёшли ясли гуруҳи – 1 ёшдан 2 ёшгача (гуруҳда 20 тагача болалар бўлиши мумкин);

- катта ёшли ясли гуруҳи – 2 ёшдан 3 ёшгача (гуруҳда 20 тагача болалар бўлиши мумкин);

- **мактабгача ёшдаги гуруҳ** – 7 ёшгача бўлган болалар гуруҳи. Бу гуруҳ қуйидаги кичик гуруҳларга бўлинади:

- мактабгача кичик ёшдаги болалар гуруҳи – 3 ёшдан 4 ёшгача (гуруҳ 25 тагача болани ўз ичига олиши мумкин);

- мактабгача ўрта ёшли болалар гуруҳи – 4 ёшдан 5 ёшгача (гуруҳ 25 тагача болани ўз ичига олиши мумкин);

- мактабга тайёрлов гуруҳи – 5 ёшдан 7 ёшгача (гуруҳ 25 тагача болани ўз ичига олиши мумкин);

Ҳисобланган меъёрлар орқали ясли ва боғча ёшидаги болалар учун гуруҳларнинг нисбати ва сиғими ҳам ўрнатилади (1– жадвалга қаранг).

Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида ясли ва боғчалар гуруҳларини комплекташтириш учун ҳисобланган меъёрлар

1-жадвал

Ўринлар сони	Ясли гуруҳларининг сони	Болалар боғчаларининг сони	Гуруҳларнинг умумий сони	Гуруҳларнинг нисбати
50	1 x 25	1 x 25	2	1 : 1
90	2 x 20	2 x 25	4	1 : 1
140	2 x 20	4 x 25	6	1 : 2
280	4 x 20	8 x 25	12	1 : 2

Мактабгача ёшдаги болалар муассасасининг асосий типи бу жисмоний (физик) ва ақлий жиҳатдан яхши ривожланган болаларга хизмат кўрсатувчи муассасага айтилади. Мактабгача ёшдаги болалар муассасасининг ихтисослашган типлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- болалар уйи - (ота-она парвариши яъни қарамоғидан ҳоли бўлган болалар учун);

- санитар – соғломлаштириш уйи (саломатлиги заиф бўлган, туберкулёз интоксикацияли, ревматизим ва бошқа касалликлар билан касалланган болалар учун);

- махсус ихтисослашган уй (тўғма заиф ва кўзи ожиз, кар-соқов ҳамда ақлий ривожланмай қолаган болалар учун).


Ҳозирги вақтда республикамизнинг шаҳарларида бўлгани сингари кишлоқ районларида ҳам мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг бирлаштирилган (универсал) типлари – болалар яслиси – боғчалари қурилмоқда. Бундай муассасалар типларининг номенклатураси сиғимига кўра улардан исталган шаҳарсозлик вазиятларида фойдаланиш учун етарлидир ва бу номенклатура болалар гуруҳларининг қуйидаги сиғими ва сони билан аниқланади:

- кичик сиғимли – 4 та гуруҳни ўз ичига олади;
- ўртача сиғимли – гуруҳлар сони 5 тадан 8 тагача бўлади;
- катта сиғимли – гуруҳлар сони 9 тадан 14 тагача бўлади.

14 тадан ортиқ гуруҳларни ўз ичига олган мактабгача ёшдаги болалар муассасалари йирик сиғимли муассасалар деб аталади ва улар мамлакатимиз амалиётида жуда кам учрайди. Бундай вазиятлар учун мўлжалланган амалдаги номенклатура орқали сиғими 14 та гуруҳдан ортиқ бўлган универсал типли лойиҳалар кўзда тутилади, улар ўқув – тарбиявий мажмуалар (комплекслар)ни ўзида намоён этади. Қурилишнинг замонавий меъёрий ҳужжатлари мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг қуйидаги типларини кўзда тутди: 40, 90, 140, 190 ва 280 ўринли (мос равишда 2, 4, 6, 8, 12 ва 14 гуруҳларга эга бўлади), ҳамда 560-660 ўринли (24-26 гуруҳли) мактабгача ёшдаги болалар мажмуаси (комплекси).

Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг архитектуравий – тархий ва композицион ечимлари асосида хона (жой)ларни функционал жиҳатдан гуруҳлаштириш принципи ҳамда ясли гуруҳларини боғча гуруҳларидан ёшга боғлиқ равишда изоляциялашнинг педагогик талаблари ётади.

Бирлаштирилган мактабгача ёшдаги болалар муассасалари (болалар ясли ва боғчалари)да ички тархий (режавий) структура бино тархини (режасини) ясли ва боғча гуруҳлари хоналарига аниқ ажратиш билан курилади (тузилади), бунда бу хоналар умумий ўқув-методик гуруҳли ва маъмурий-хўжалик вазифаларини бажарувчи хоналар билан бирлаштирилади (3 – расм).



3-расм. Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари (болалар ясли ва боғчалари) да хоналарни гуруҳлаш схемаси.

1 – маъмурий – хўжалик хоналари гуруҳи,
2 – ясли хоналари гуруҳи, 3 – боғча хоналарининг гуруҳи.

Яслили ва боғчали гуруҳларга дифференциялаш (ажратиш) уларни агар бу иккала гуруҳлар битта бинода (марказий композиция) ёки алоҳида турувчи корпуслар (блоклар ва павилонлар) да жойлашса горизонтал ёки вертикал (қаватлар бўйича) тақсимлаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.


Совуқ иқлимли районлар (масалан, Ўзбекистоннинг шимолий районлари) да ҳамда тоғ олди ва тоғли районларда блоклар иситиладиган ўтиш жойлари билан ўзаро боғланади (блоки тизим). Иссиқ иқлимли районларда эса бу блоклар очик боғланишга эга бўлади (павилионли тизим).

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги табиий иқлим шароитлари ва педагогиг талаблар таъсирида композицион тизимларнинг асосан учта: марказлаштирилган, блокли ва павилонли тизимлари таркиб топган (4-расм).

Ўзбекистон курилишида мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг ҳамма типлари кенг тарқалган. Улардан галереяли типдаги павилонли ва блокли композициялар ўзининг оддий ва содда тархий

ечимлари билан юқори шаҳарсозлик маневрга эга бўлган ҳолда энг кўп тарқалган.

Моноблочные (марказлаштирилган) типлар, қоидага кўра, катта




4-расм. МТМнинг режавий композициялари:
А - марказлашган; Б – блокки ;
В - павилонли

бўлмаган мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилишида қўлланилиб, уларда маъмурий – хўжалик хоналари алоҳида блокка жойлаштирилади (5 - расм).

Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг тархйй ечими хоналарни аниқ функционал зоналаштириш асосида қурилади.

Яслиларда хоналар учта асосий зонага гуруҳлантирилади: улардан биричиси – қабул қилиш зонаси бўлиб, бу зонада тарбиячи болаларни кўздан кечирази ва ота – оналардан болаларни қабул қилиб олади; иккинчиси ўйин ва овқатланиш зонаси унда бола дам олади, овқатланади, ўқийди, ақлий жисмоний тарбия олади; учинчи зона – бу болаларнинг осойишта дам олиши ва ухлашини ташкил этишга мўлжалланган зонадир.

Ясли гуруҳларининг қўшимча хоналари хожатхона ва буфет бўлиб, буфетга овқатлар мактабгача ёшдаги болалар муассасасининг марказий ошхонасидан келтирилади. Болалар боғчаси гуруҳида ҳам худди ясли гуруҳидаги каби асосий хоналарининг сонли таркиби сақланиб қолади, лекин бу ерда биринчи зона хонаси ўлчамига кўра каттароқ майдонга эга бўлади ва бу зона болаларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиши – болалар кийимларини ва шахсий буюмларини ўзлари тахлашига мўлжалланган бўлади; иккинчи зона болаларни меҳнат қилишга ўргатиш зонаси бўлиб, бу ерда болалар мактабга тайёрланадилар.



5-расм. Ўзбекистон турар-жой тузилмаларининг оммавий қурилишида 140 ўринга мўлжалланган галерея типигаги болалар ясли – боғчасининг типли лойиҳаси

Кир ювиш хонаси, тиббиёт пункти, овқатланиш блоки, кутубхона, метод хонаси, компьютер зали, жисмоний тарбия ва мусиқа машғулоти заллари маъмурий тарбиявий хоналарининг ягона функционал зонасига бирлаштирилади.

Болалар ясли — боғчасининг бундай типи Юнусобод микрорайонларида кенг қўлланиш топган. Тархий структурасини ўзгартирмаган ҳолда бу типдаги болалар ясли-боғчасида ҳамма мумкин бўлган ташқи бадиий декоратив қўйилмлар, монументал тасвир, рангли полихромия ва турли пардоз материалларидан фойдаланилган ҳолда ўз ташқи қиёфасини бадиий безатишнинг кўплаб вариантларини учратиш мумкин.

Болалар боғчалари асосий хоналарининг интерьерлари


Болалар боғчалари гуруҳ хоналари, ошхоналари ва ухлаш хоналарининг интерьерлари кўпинча эртак сюжетлари ва турли ўйинчоқлар тасвирини акс эттирган ҳолда ёрқин рангли бўёқ тонлари билан безатилган. Ухлаш хоналари трансформалашадиган замонавий мебеллар билан жиҳозланади, бу мебеллар хоналарнинг фойдали майдонидан иқтисодий жиҳатдан унумли фойдаланиш учун яхши шароитларни яратади. Юнусобод турар-жой массиви болалар боғчаларининг катта қисми интерьернинг кўп рангли ва кўп сонли ўйинчоқлар билан тўлдирилганлигини бошидан кечирмоқда.

Шу билан бир қаторда мусиқа заллари ва физкультура залларининг яхши безатилганлигини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Тортиладиган пардалар, сокин рангли гамма бу хоналар интерьерлари учун шинам (комфорт) шароитларни яратади.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ҳудудларини ташкил этиш

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари участкаларини тархлашда ясли ва боғча болалари гуруҳларини ҳар бир гуруҳ учун сояли айвонга эга бўлган ўйин майдонларини ажратиш билан уларни ёш бўйича изоляция қилишнинг педагогик талаблари ҳисобга олинади (6 - расм).

Санитар – педагогик талабларга мувофиқ участкада фаол ўйинлар, сокин дам олиш, меваги боғ, жонли табиат ва хўжалик эҳтиёжлари бурчаги учун жойлар ажратилиб жойлаштирилади. Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари участкасининг майдони яслиларда битта ўринга $25 - 30 \text{ м}^2$ ва боғчаларда эса битта ўринга $30 - 40 \text{ м}^2$ юза тўғри келишини ҳисоблаш орқали ўрнатилади.



6-расм. Мактабгача болалар муассасалари ҳудудларини ташкил этиш схемаси. 1 – Мактабгача болалар муассасалари биноси, 2 – кириш аллеяси, 3 – хўжалик ҳовлиси, 4 – ясли ёшидаги болалар учун майдонча, 5 – гурҳли ўйин майдончалари, 6 –ўйинлар учун умумий майдонча, 7 – соя тушурувчи айвонлар.

Юнусобод массиви болалар боғчалари ҳудуди ободонлаштирилганлигининг ажралиб турувчи жиҳати бу кичик архитектуравий шаклларнинг бадиий-эстетик томондан яхши ўйланган ва юқори сифатда бажарилган жанрли сюжетлар ёки алоҳида фигуралар тасвирларига эга бўлганлигидадир. Жонивор (хайвон)ларнинг мутлақо кўп образли ҳайкалтарошлик тасвирлари болаларнинг ҳайвонот олами ва атроф-муҳитдаги табиатга бўлган онгли қизиқишларини ўстиришга яхши шароитлар яратган. Соя тушурувчи айвонлар, улар юқори эстетик сифатларга эга бўлмасада, лекин барибир қуёшнинг иссиқ нурларидан ишончли ҳимояни ва ёз фаслининг жазирама об – ҳавосида соя салқин

шароитни таъминлайди. Сузиш-чўмилиш ҳавзалари ва спорт майдончалари – бу болалар боғчаларининг тархий элементлари бўлиб, бу ерда кизиқарли шакллар ва тархий ечимлар яратиш учун фантазияга катта эркинлик бериш мумкин эди, бироқ, афсуски бу ерда буларнинг амалга оширилганлиги деярли сезилмайди.

3. Ҳозирги замонда Ўзбекистонда ижтимоий – демографик жараёнларнинг ўзига хос жиҳатлари

Ўзбекистонда болалар яслилари - боғчаларида қўшимча жойларга бўлган эҳтиёжининг юқори даражасининг турғун (стабил) характери ундаги ижтимоий – демографик жараёнларнинг жиҳатлари билан тушунтирилади. Бу ҳақда яқинда Тошкентда ўтказилган **“Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги ижтимоий – демографик жараёнлар”** мавзусидаги республика илмий – амалий анжуманида кўплаб аниқ фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан анжуман иштирокчиси Ш.Иногамова (Прогнозлаштириш ва микроиқтисодий тадқиқотлар институти) ўзининг чиқишида 2004 йилдан бошлаб Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўсиши жадаллашганлигини ва 2008 йилда аҳоли ўсишининг сурати 1,6%ни ташкил этганлигини эътироф этди, бу эса ўз навбатида туғилишнинг ўсаётганлиги ва ташқарига миграцион чиқиб кетишнинг камайганлиги билан тушунтирилади. “Ижтимоий фикр” жамият фикрини ўрганиш маркази директори Ўзбекистон Республикаси ФА академиги Раъно Убайдуллаева ўзининг маърузасида қуйидагиларга эътибор қаратди: “Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси табиий ўсишининг нисбатан юқори кўрсаткичлари 1980 йилларда йўлга қўйилган юқори демографик потенциал, туб аҳолининг юқори тўғилиш жараёни орқали таъминланганлигини таъкидлади”. Замонавий жараёнларни таҳлил қилиш натижаларига таянган ҳолда Р. Убайдуллаева Ўзбекистонда демографик вазият ривожланишининг кўзатилаётган келажаги (перспективаси) қуйидаги тенденциялар: замонавий шароитларда аҳоли ўсиш

даражасининг турғунлашуви (стабиллашиши) ва унинг кейинчалик (келгусида) бироз ошиши; мамлакат аҳолиси сонининг абсолют ўсиш кўрсаткичларининг аста-секин ошиши; урбанизациялаш даражасининг турғунлашуви (стабиллашуви) ва унинг аста-секин кўтарилиши; келгусида аҳоли умрининг узайиши; болалар ва оналар ўлимининг доимий равишда камайиб бориши билан белгиланишини таъкидлади. Шунингдек, маърузада: “2015 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ижтимоий – иқтисодий вазиятнинг янада яхшиланиши натижасида тўғилиш ошишининг бошланиши” ҳақида ҳам сўз юритилди.

Шундай қилиб, анжуман иштирокчиларининг маърузаларидан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига бўлган эҳтиёж турғун (стабил) характер касб этиши ва келгусида уни таъминлаш лозимлиги тақоза этилиши борасида умумий хулосага келиш мумкин. Шунга ўхшаш ижтимоий – демографик жараёнлар ва шунга боғлиқ ҳолда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида ўринларнинг танқислиги муаммоси МДХ мамлакатлари: Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Озарбайжонда ҳам кузатилмоқда. Мустақилликка эришилгандан кейинги йилларда Туркменистон аҳолиси сезиларли даражада ўсди – бу мамлакатда аҳоли сони 2,7 миллионга (1,7 марта), Тожикистон аҳолиси – 1,8 миллион (1,3 марта), Озарбайжон аҳолиси – 1,4 миллионга (1,2 марта). Қирғизистон аҳолиси – 0,8 миллионга (1,2 марта) кўпайганлигини таъкидлаш жоиздир³.

3.1. Мактабгача болалар муассасалари типлари ва тармоқларининг замонавий тенденциялари улардаги жойларга бўлган юқори эҳтиёжга боғлиқ равишда ривожлантириш

Реал эҳтиёж ва мактабгача болалар муассасаларидаги мавжуд жойлар орасидаги дисбаланс муаммоси бу муаммони ечиш чора-тадбир-

³<http://www.vrach.uz/43189-demograficheskie-processy.htm>

ларини излаб топишни кечиктирмасдан фаоллаштиришни тақоза этади. Мактабгача болалар муассасаларини хусусий тадбиркорлик базасида катта бўлмаган сиғимга эга бўлган болалар ясли ва боғчалари билан бойитишга асосланган янги йўналишни ривожлантириш бу борадаги изланишларнинг натижаси десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистонда бундай ҳаракат Вазирлар Маҳкамасининг 24.06.1999 й. №313 “Нодавлат мактабгача таълим муассасаларини яратиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари” қарорига биноан олиб борилмоқда ва ривожлантирилмоқда.

“Мактабгача болалар муассасалари фаолиятини самарадорлигини ошириш, мактабгача болалар муассасалари тизимида рақобатли муҳитни яратиш, мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама комол топтириш шароитларини Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Тошкент шаҳар ҳокимияти, Давлатмулкқўмитаси, Ўзбекистон Республикаси молия Вазирлигинининг тижорат асосида фаолият юритаётган нодавлат болалар муассасалари фаолиятини давлат болалар муассасалари билан бир қаторда кенгайтириш таклифи тадбиқ қилиш.

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225 сонли “Ўзбекистон Республикаси нодавлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисида” ги навбатдаги қарори (2 - илова) га мувофиқ бундай турдаги болалар ясли – боғчалари ўзида ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва давлат лицензияси ҳамда уларнинг функция юритиши учун тегишли талабларга жавоб бера оладиган бинолар (хоналар)га эга бўлган мактабгача болалар муассасаларини ўзида намоён этади. Бу қарорга биноан хусусий тадбиркорлик учун очилган йўл ва яхши шароитлар мактабгача болалар таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш ва уларни янги қўшимча жойлар билан тўлдириш ишига катта ҳисса қўшди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларининг умумий сони 4978 тага етди. Уларда 530 мингдан ортиқ болалар тарбияланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш эвазига нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг сони 67 тани ташкил этди, улардаги тарбияланувчиларининг сони 4,8 мингтага етди⁴. Мазкур муассасаларда ота-оналарнинг истагига биноан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларда болаларнинг бўлиш вақти аниқланади. Шунингдек, уларда болаларни шанба ва якшанба кунлари ҳам тарбиялаш кўзда тутилган. Болалар чет тилларни ўрганишадилар, сузиш билан шуғулланишадилар, турли машғулотлар ва спорт тугаракларига қатнашадилар.

Фармойишда ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этишнинг бажарилиши лозим бўлган қоидалари ва уларга қўйиладиган талабларнинг жамланганлиги, гигиеник меъёрларга риоя этиш, бу муассаса тарбияланувчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш шароитлари, педогог - таълим даражасидаги тарбияловчи персоналнинг ҳам муассасада овқатланишини ташкил этиш ўз аксини топган.

Бундай мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- болалар ҳаёти ва соғлигини мустаҳкамлаш;
- бола шахсини шакллантириш, унинг англаш борасидаги қизиқишларини ривожлантириш;
- боланинг интеллектуал, шахс сифатидаги ва жисмоний (физик) ривожланишини таъминлаш;
- боланинг ривожланиши учун зарур бўлган қарашларни ривожлантириш;
- болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятларга қизиқтириш;

⁴<http://podrobno.uz/en/cat/society/v-Uzbekistane-kolichestvo-detskih-sadov-dostiglo-5-nisych/>

- болаларни мактабда таълим олишга тайёрлаш.

Хусусий мактабгача болалар муассасаларининг ушбу қарорга мувофиқ моддий базаси тархӣй параметрлари бўйича педагогик, санитар-гигиеник ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган исталган хоналардан ташкил топиши мумкин.

Шунга боғлиқ равишда улар хусусий квартираларга ёки ижарага олинган алоҳида турувчи бир қаватли биноларга, собиқ давлат ёки идораларнинг болалар боғчаларига ҳамда кўп қаватли турар-жойларнинг пастки қаватларига жойлаштирилиши мумкин. Ўзининг асосий массаси бўйича улар сиғими бўйича катта бўлмаган болалар муассасаларини ўзида намоён этади ва шу сабабли мини – болалар боғчалари деб номланди.

«Семицветик» («Етти ранг») лойиҳаси хусусий оила типигаги мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини ўзида намоён этиб, у турар-жой уйлариининг биринчи қаватини структурасига киритишга мўжалланган. Уни яратганларнинг фикрича – бу таълим-тарбия муҳитининг янги сифат концепцияси ҳисобланиб, унинг замирида оилавий ёндашиш принципи ётади.

Турар-жой комплексларининг биринчи қаватига қулай “Оилавий болалар боғчалари”нинг яратилиши (жойлаштирилиши) нафақат болалар боғчаларига бўлган жойларнинг дефицитлигини оператив қисқартириш бўйича биринчи даражали масалаларни ечиш, балки оила институтини ва ота-она маъсуллик ролини ҳам қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Уларга “7 та устивор функциялар” қўйилади.

Ижтимоий (социал) функция;

Стандарт форматдаги БТМларига бир қатор сабабларга кўра қатнай олмаган болаларни дастлабки ёшидаёқ ижтимоий шароитларга кўниктириш механизмини таъминлаш. Бундай интилиш боланинг манфаатлари ва ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Иқтисодий функция;

“Уйда” кўшимча иш ўринларини яратиш. Ота-оналар ўз болаларини тарбиялаш жараёнини узмасдан туриб меҳнат қилиш имкониятига эга бўладилар. Оила институтини мустаҳкамлашга шарт-шароит яратилади.

Шерикдошлик (партнёрлик) функцияси;

Шерикдошлик (партнёрлик) давлат – хусусий институти ҳокимият органлари билан олиб бориладиган бизнес ўзаротаъсирлашувининг перспектив шакли сифатида қуриб чиқилади, бу ерда яратилган яхши инвестицион муҳит шаҳар ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга шарт-шароит яратади.

Педагогик функция;

“Оилавий болалар боғчаси” мактабгача ёшдаги болалар муассасалари болани тарбиялашда ва унга таълим бериш жараёнида болага индивидуал ёндашишни амлага ошириш имконини беради.

Меъёрий функция;

МТМларида дастлаб болалар учун қулай бўлган хоналарни яратиш кўзда тутилади. Ёнғин хавфсизлиги, СЭС, СанПин талабларига жавоб берадиган (мос келадиган) ички инсоляциянинг бўлмоғи талаб этилади.

Моддий – техник функция;

Уй болалар боғчасидан фарқли ўлароқ МТМларини энг замонавий ва сифатли ўйинчоқлар ҳамда дидактик материаллар билан марказий таъминлаш имкониятининг мавжудлиги.

Комбинаторли функция;

Микрорайонда демографик вазиятнинг ўзгариши муносабати билан мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини таълим ва спорт тугараклари ҳамда марказларига қайта профиллаштириш имконияти мавжудлиги.

Тажриба мини боғчаларнинг юқори амалий самарадорлигини кўрсатмоқда, чунки улар тармоқларини ривожлантириш минимал давлат маблағлари сарфланиши билан таъминланади. Бу борада кўплаб мутахассислар бир хил фикрларни билдиришмоқда. Твер шаҳри қурувчиларининг фикрича “... оилавий (хусусий) болалар боғчаларини

ташкил этиш янги биноларни куришга нисбатан бюджет маблағларини кўп талаб қилмайди”⁵

Архитектор М.А. Шилкина томонидан қилинган иккита болалар боғчалари (мақола: Лойиха №3440 «*Билдинг–боғча*») - бинони реконструкция қилиш орқали уни одатдаги болалар боғчасига реконструкция қилиш (80 ўринга мўжалланган боғча, Чермешанский кўчаси 152 уй) ва турар-жой уйига қўшиб қурилган болалар боғчасини (80 ўринга мўжалланган боғча, Просека кўчаси, 152 уй) солиштириш (таққослаш) таҳлили қуйидаги иқтисодий самардарлик тўғрисида яққол гувоҳлик беради:⁶ 1 – болалар боғчасига сарфланган жами маблағлар 1 475 000 рублни ташкил этади; иккинчи болалар боғчаси учун сарфланган жами маблағ эса - **312 257** рублни ташкил этди. Умумий тежамкорлик (иқтисодий самара) 70%дан юқори кўрсаткични ташкил этади. Бунда ижтимоий борада ҳам сезиларли (салмоқли) самарага ҳам эришилади:

- мактабгача ёшдаги болалар таълим муассасалари сонини ошириш


- навбат кутиш муаммосини ечиш;
- ҳар бир турар-жой микрорайонида биноларга қўшиб қуриладиган мини – боғчаларни тадбиқ қилиш эвазига янги болалар боғчаларининг қурилишига шаҳар бошқармаларининг маблағларини сарфланишини камайтириш;
- солиқ тушимларини кўпайтириш эвазига маҳаллий ва федерал бюджетларнинг даромадини ошириш;
- аҳоли бандлик муаммосини ечиш.

Бироқ, умуман бу йўналиш ижобий сифатларга эга бўлиш билан биргаликда у болалар яшайдиган манзилларнинг тарқоқ жойлашганлиги туфайли юзага келадиган жиддий камчиликдан холи эмас.

⁵Интернет манбаи:(<http://www.karavan.tver.ru/gazeta/3063>).

⁶ (asi.ru/upload_docs/news/билдинг-сад.ppt)

Шаҳар марказий ҳудудида жойлашган мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида аҳолига хизмат кўрсатишда катта муаммоларга дуч келинади (7 - расм).



7 - расм. Тошкентда хусусий болалар ясли – боғчаларини жойлаштириш схемаси.

Болаларнинг яшаш жойларида уларга хизматлар кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида ўринлар танқислигига оид муаммони ечишга йўналтирилган самарали тадбирлар бўйича олиб борилаётган изланишлар ҳозирги вақтда чет эл амалиётида турар-жой уйлариининг биринчи қаватига жойлаштириладиган ва бундай биноларнинг ён (кўндаланг) томонига қўшиб қуриладиган мактабгача

ёшдаги болалар муассасаларини яратиш ғоясини лойиҳа-смета амалиётига тадбиқ этишга қаратилгандир. Бундай тизим (система) ҳозирги вақтда Россия федерацияси шаҳарларида ҳам кенг ривож топмоқда ва амалиётга кенг кўламда тадбиқ этилмоқда.

Бу тизим махсус ҳукумат қарорлари, шаҳар маҳаллий ўз-ўзини бошқарув департаментлари қарорлари, лойиҳалаш-қурилиш меъёрлари, санитария-гигиена меъёрлари ва тавсиялари асосида амалга оширилмоқда.

Турар-жойларнинг биринчи қаватига ва уларнинг ён томонига қўшиб қуриладиган болалар ясли ва боғчалари тизимининг мактабгача ёшдаги болалар муассасаларидаги ўринларнинг танқислигини компенсациялаш омили (фактори) сифатидаги юқори самарадорлигини билган ҳолда, чиқарилаётган қарорларда, уларни нафақат мавжуд турар-жой уйларида, балки қурилаётган янги турар-жой тузилмаларини лойиҳалашнинг бошланғич (дастлабки) босқичларидаёқ ташкил этиш зарурлиги кўрсатилган. ОАЖ “Агат” қурилиш ташкилотининг 2012 йил 25 июндаги лойиҳа декларациясига мувофиқ Киров районидаги Красноярск шаҳрида ичига қуриладиган болалар боғчасига эга бўладиган иккита кўп қаватли турар-жой биносини қуриш режалаштирилган.

“Эврика” институти таълим сиёсати маълумотларига мини-боғчаларни ташкил этиш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилган: Москва, Санкт – Петербург, Красноярск, Ижевск ва шу сингари йирик шаҳарларда янги – қурилган уйлардаги қайта тархланган квартираларда бир-икки гуруҳли мини-боғчаларни очиш амалиётга тадбиқ этилди ва улар фаолият юритмоқда.

2012 йилда Москва шаҳри департаменти томонидан турар-жой биноларининг биринчи қаватига ва уларга қўшиб қуриладиган болалар боғчаларининг архитектуравий – техник лойиҳаларини ишлаб чиқишга очиқ танлов эълон қилинди. Танлов шартларига кўра 1 дан 3 қаватгача бўлган, 800 дан 2,7 м² гача майдонга эга ва 35 – 150 ўринга мўжалланган

болалар боғчасининг саккиста типли лойихасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

“Шартларда кўрсатилган вариантлардан ҳар бирига участкани тархлаш схемасини ишлаб чиқиш, зарур бўлган транспорт юриш йўллари, машина йўллари ва одамлар юриш йўлакчаларини ташкил этиш билан участкани кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, қурилма ва жиҳозларни ўрнатиш, шуниндек, саломатлиги чегараланган болаларнинг очик ҳавода шуғулланишлари ва дам олишини ташкиллаштириш ҳамда бино периметри бўйича баландлиги 2,5 метр бўлган металл панжарали тўсиқларни ўрнатиш, тўсиқлар билан қуршалган ҳудудга соя тушурувчи айвонлар, зарур бўлган спорт майдонларини жойлаштириш тақоза этилади”.

Белгород муниципалитетнинг «Мактабгача ёшдаги болалар таълим муассасаларини қуриш тўғрисидаги» (2004 йил, 28 мадаги қарор № 116) махсус қарори қуйидагилар ҳақида сўз юритилган:

1. Турар-жой қурилиши амалиётига 25 – 50 ўринли мактабгача ёшдаги болаларни умумий тарбиялаш муассасаларини янги қурилайтган турар-жой биноларига жойлаштиришни тадбиқ этиш;

2. 2004 йилнинг 1. 06. санасигача турар-жой бинолари ичига ва уларга қўшиб қуриладиган 25 – 50 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг архитектуравий-режавий (тархий) ечимлари лойихасини ишлаб чиқиш;

2.1. Янги қурилиш олиб борилаётган ҳудудларга, жумладан, коттежлар қурилишида алоҳида турувчи ёки 50 – 95 – 140 ўринли қўшиб қуриладиган мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасаларини тиклаш;

2.2. Реконструкция қилинадиган ҳудудларда ҳамда алоҳида уйлар қурилишида ичкарига ва қўшиб қуриладиган 25 – 50 ўринли мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасаларини қўллаш.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқарув раҳбари В. Потрясаевнинг фикрича алоҳида турувчи мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасалари

биноларини куриш жуда кимматга тушади. Лекин Белгород шаҳри раҳбарининг махсус қарорига биноан янги микрарайонлар қурилишини олиб борадиган фирмалар шаҳар фондига маълум сондаги квартираларни ажратишлари лозим. Бу квартираларнинг маълум қисми 15- 20 нафар болаларга мўжалланган кичик болалар боғчасига қайта жиҳозлантирилади.

Шаҳар раҳбари битта болалар боғчаси навбат кутиш муаммосини ҳал қила олмаслигини таъкидлади. Агар ичкарига ва қўшиб қуриладиган квартиралар асосидаги болалар боғчаси системага айланса, у ҳолда бу мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасаларига бўлган эҳтиёжни қоништириш муаммосини ечишга кучли ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг устига коммунал хизматлар қўшимча маблағлар ва штатлар: слесирлар ва электрикларни талаб этмайди. Турар-жой коммунал хўжалиги бундай типдаги болалар боғчаларини ўз қарамоғи остига олади.⁷

Шаҳарсозлик кенгашида янги қурилишларда қўшиб қуриладиган мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасаларига тегишли саволга тўхталиб, Екатеринбург шаҳри шаҳарсозлик ҳамда ер муносабатларини тартибга солиш маъмурияти ва архитектура Департаменти бошлиғи Михаил Вяткин шундай фикр билдиради: «... Бундай тизим бир вақтнинг ўзида Екатеринбургга ҳолисининг турар-жой уйларига ва ёш болаларнинг боғча ўринларига бўлган эҳтиёж муаммосини ечиш имконини берадиган энг мақбул тизим (ичкарига ва қўшиб қуриладиган мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасалари) деб эътироф этди. Екатеринбургда биринчи қаватига болалар боғчаси қурилган янги қурилиш – турар - жой биносининг юқоридагига ўхшаш лойиҳаси мавжуд. Муниципалитет фақат бундай лойиҳалар билан қаноатланиб қолиш билан чегараланиб қолмоқчи эмас, уларнинг келгусидаги режаларига шунга ўхшаш бир қанча иморатларни тиклаш киритилган.

⁷(РИАНовости <http://kurs.ru/news/34608/v-moskve-razrabotayut-proekty-vstroennyh-v-zhilye-doma-detsadov>).

1. Б.Грызлов. Детские сады (болалар боғчалари) Келажак инвестициялари. 2.М.Вяткин. Бир йилда Екатеринбургда 22 та болалар боғчалари очилади.⁸

Шундай қилиб, чет эл лойиҳалаш – қуриш амалиётидан кўринадик, мактабгача болалар таълим муассалари тармоғини қўшимча ўринлар билан бойитишга йўналтирилган барча мумкин бўлган чора-тадбирлар ижтимоий – иқтисодий нуқтаи-назардан жуда мақсадга мувофиқдир, шаҳар микраройонларида мавжуд бўлган ва янги қурилаётган турар-жой уйлари ичига ва уларга қўшиб қуриладиган мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасалари амалиёти кенг жамоатчилик томонидан тан олинапти. Айнан шундай тажриба орқали ўқув-тарбия хизматларини ёш болаларнинг яшаш жойларига максимал яқинлаштириш билан давлат маблағларини тежашда юқори иқтисод қилишга уйғунлаштириш бизнинг республикамизда ҳам мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасаларида ўринлар танқислиги муаммосини ечишда мақсадга мувофиқ ва перспектив ёндашиш деб ҳисобланилади. Мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасалари тармоғини ташкил этишнинг бундай тизимида ҳар бир бола унинг яшаш жойида меъёрлар билан ўрнатилган қатнаш чегарасида боғча хизматидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлади ва ота-оналар эса болаларни боғчага олиб бориш ва олиб қайтишга сарфлайдиган вақтларини анча қисқартиришга эришадилар. Мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасалари тармоғини ташкил этишда йўл-йўлакай юзага келадиган масала бу бундай ини – боғчалардан ғар бирининг нормал функционал фаолият юритишини таъминлаш билан изоҳланади. Масала шундаки, бундай боғчалар ўз сиғими бўйича катта бўлмаган яъни 25 – 50 ўринга мўлжалланган болалар муассасаларини намоён этади. Кичик сиғимли бундай боғчалар ўз штатида таълим дастурларининг тўлиқ амалга ошириш ни таъминлайдиган етарли бўлган сондаги мутахассисларга эга бўлади.

⁸<http://www.66.ru/realty/news/114300/>


Қоидага кўра, бундай боғчалар хоналарнинг тўлиқ комплекташтириш борасида чегаралангандир. Улар мусиқа ва бадан-тарбия залларига эга бўлмайди, уларда кутубхонани, методист ва врач хоналарини ҳамда боғчанинг нормал функция юритиши учун зарур бўлган бошқа муҳим хоналарни ташкил этишнинг иложи йўқ, бу эса уларга келадиган болаларнинг таълим олишдаги имкониятларига таъсир кўрсатади ва ўз навбатида бу ҳол ота-оналар назарида ўзининг имиджини кучли йўқотишга олиб келади.

Болаларни ҳар томонлама ва гармоник ривожлантирувчи мини-боғчаларнинг нормал функция юритишини таъминлайдиган шароитларни излаб топиш масаласи чет эл амалиётида бизнинг назаримизда мини-боғчалар автоном фаолият юритмаслиги, балки улар яқин атрофдаги йирик мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасаларидан бирининг филиали сифатида фаолият юритиши керак деган рационал вариант қўллаш билан ўз ечимини топади. Мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасалари тармоғини яратишнинг бундай принципи модели принцип сифатида кўриб чиқилиши лозим ва Ўзбекистон лойиҳа-қурилиш амалиётида ўз ривожини топади деб умид қиламиз. Бундай йўналишни ривожлантиришда бир қанча олдинга назар ташланса, шундай вазиятни тасаввур қилиш мумкинки, бунда мини боғчалар сифатида фаолият юритаётган турар-жойлар ичкарасига ва уларга қўшиб қурилган болалар муассасаларини ҳудудий томондан қатнаш маъқул бўлган йирик ва машғулотлар заллари ҳамда студияларига, методик марказларга, тиббий хизматга эга бўлган болалар марказлари билан бириктириш болаларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш имконини беришига амин бўламиз (8-расм).

Бу “йўлдош” (“спутник”) болалар боғчасининг штатли жадвалини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш ва мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасаларининг “бош” ҳудудидаги сингари мини боғчада ҳам бир вақтнинг ўзида таълим дастурини амалга ошириш учун етакчи ва

филиал (мини боғча)лардаги кадрлардан фойдаланиш имконини беради. (Москва), “Эврика” таълим сиёсати институти:⁹

Бош болалар боғчасининг ҳудудий жиҳатдан етиб бориш мақбул бўлган зонасида жойлашган бундай “йўлдош” – мини боғчалар сони қурилиш характериға боғлиқ равишда кенг чегараларда тебраниши мумкин.



8 - расм. Ҳудудий жиҳатдан қатнаш чегарасида йирик марказий болалар ясли-боғчаси комплекси (мажмауси)нинг филиали бўлган турар-жой уйлари ичига ва уларға қўшиб қурилган мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасалари тармоғи схемаси.

Шунга боғлиқ ҳолда бош болалар боғчалари бир нечта типларининг ҳам бир қатор лойиҳаларини ишлаб чиқишга зарурият туғилади, бу эса янги пул ажратмаларини талаб қилади.

⁹Интернет манбаи: <http://www.eurekanet.ru/ewww/info/13078.html>)

Бизнинг фикримича, бу муаммонинг мувақиятли ечишга Москвалик архитектор Михаил Кузьмин томонидан таклиф этилган бош болалар боғчасини алоҳида режавий модулар – турли модификацияли иккита типдаги функционал блоклар: структурали боғча гуруҳлари блоки ва маъмурий – техник хоналар блокидан комплеклаштириш принципини қўлаш билан ечиш мумкин. Мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасаларида ўринлар танқислиги муаммосини ечишда янги йўналиш сифатидаги бундай модулли система намоёндалари бу системани унинг қуйида келтирилган ижобий сифатлари ёқлаган ҳоолда қўллаб-қувватлашмоқдалар:

- модулли система асосида ишлаб чиқилган болалар боғчаси лойиҳаси мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасаларининг барчаси учун ўрнатилган меъёрларга мос (мувофиқ) келади, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги ва бинонинг энергия самарадорлиги (энергия тежамкорлиги)га қўйиладиган юқори талабларга жавоб беради;

- ҳажми-режавий ечимларнинг молдуллилиги конкрет микрорайон эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда турли сиғимли болалар боғчаларини тиклаш ҳамда монтаж муддатлари ва қурилишга сарфланадиган маблағларни сезиларли равишда қисқартириш имконини беради;

- қурилишнинг компактлиги (ихчамлиги), мобиллиги ва эгилувчанлиги ҳудуддан самарали (эффектив) фойдаланиш ва функционал блокларни улардаги ички хоналарнинг энг яхши (маъқул) инсоляцияси учун қуёш ёруғлиги тушишига нисбатан мақбул (оптималь) жойлаштириш танлаш имконини беради;

- компоновкали схемаларнинг вариативлиги (айланувчанлиги) ва қўшма гуруҳли ячейкаларни қўллаш имкониятининг мавжудлиги;

- қурилиш муддатларини қисқартириш имконининг мавжудлиги.

Тан нарх характеристикалари бўйича ўзини оқлай олиши, қурилиш муддатининг қисқалиги, тиғис жойлашган қурилиш тузилмасига эга бўлган районларда майдонларни иқтисод қилиш (ёки улардан оқилона

фойдаланишлик) ва меъёрларга тўлиқ мос келувчанлиги бўйича болалар боғчаларини лойиҳалаш ечимларининг модулли системасига ухшаш лойиҳалар мавжуд бўлаган типли лойиҳалар ичида ҳеч ҳам учрамайди. Мактабгача ёшдаги болалар таълими муассасаларининг замонавий лойиҳа – қурилиш амалиётида янги бўлган бу йўналишга ундовчи биринчи чақириқ (даъват) “Болалар боғчалари болаларга” шиори остида болалар боғчасининг модулли лойиҳасини ишлаб чиққан германиялик архитекторларга тегишлидир. Муаллиф Dandelion Clock.

“Dandelion Clock” болалар боғчаси лойиҳаси ўзида тўртта блокни намоён этади, бу блоклар марказий атриум атрофида жойлашган. Бу жуда ёруғ фазаовий кенглик ва табиий вентиляция қилинадиган (шамоллатиладиган) хоналар бирданига бир нечта функциялар: бу ошхона ҳам, ёпиқ ўйин майдони ҳам, мактабнинг ҳамма қисмларини ўзаро бир – бири билан боғлайдиган хона ҳамдир. Модулнинг ҳар бир корпусида иккита синф хонаси ва терапия хонаси бор. Лойиҳанинг ўзига хос жиҳатлари ва модулли йиғма конструкциялар эвазига мактаб атиги 8 ой ичида қуриб битказилди.

Ҳозирги вақтда Россия федерациясида модулли болалар боғчасининг концепцияси “Росток” лойиҳасида ўз ифодасини топди, бу лойиҳа тўртта функционал блок: боғча гуруҳларининг иккита блоки, маъмурий-хўжалик ва мусиқа машғулотлари учун ҳам мўлжалланган спорт-соғломлаштириш блокларидан ташкил топган бинони ўзида акс эттиради. 6, 9, 12 ва 18 та ясли – боғча гуруҳлари учун унификацияланган ҳажмий – режавий (тархий) модул-блоклар асосида модулли боғчанинг қурилиши учун модулли боғчаларнинг 4 та типи ишлаб чиқилди.

Лойиҳа ушбу модулли боғчаларни катта болалар боғчаларини жойлаштириш имконияти бўлмаган тифис жойлашган қурилиш шароитларида қўллашни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Бундай вазиятлар учун лойиҳа муаллифлари “Росток” модулли боғчасини (алоҳида турувчи болалар боғчаси)ни “Етти ранг” (“Семицветник”) деб номланган

ичкарига ва қўшиб қуриладиган болалар боғчалари билан уйғунлаштириб комибинациялашган ҳолда қўллашни таклиф этадилар. Лойиҳа муаллифларининг фикрича бундай типлардаги иккита мактабгача болалар боғчалари орасидаги ўзаро боғланганлик бир томондан битта овқатланиш блокидан фойдаланиш имконини берса, иккинчи томондан эса битта сайр қилиш зонаси, ўқув-тарбия ва методик комплексдан фойдаланиш имконини беради.

Турар-жой уйларининг кўндаланг томонига қўшиб қуриладиган минни боғчаларни қуришда бошқача характердаги муаммолар юзага келади, уларбан энг асосийси бино ён томонидаги ернинг кўчиш эҳтимоли билан боғлиқдир.

Бинолар тиғис жойлашган микрорайонларда мактабгача болалар боғчаларининг бундай типларини қуриш (қўллаш)да сезиларли қийинчиликлар вужудга келади. Бундай шароитларда қурилишни олиб бориш учун амалиёт шуни кўрсатадики, болалар боғчалари муассасаларининг конкрет вазиятга мос келувчан, енгил адоптирланадиган тархий ечимлари зарур бўлади.

Бу муаммо ечимларини топишди мамлакатимиз ва чет элдаги замонавий лойиҳа-қурилиш амалиётида олиб борилган тадқиқотлар ижобий натижаларни бермади.

Шуни эътиборга олган ҳолда ҳар бир конкрет вазиятда бу муаммони конкрет шароитлар ва имкониятларга боғлиқ равишда амалий йўл билан ечиш мумкин деган хулосага келинади.

Бундан ташқари, қурилиш амалиётида бундай минни боғчаларни қуришнинг талаб этилиши илмий асосланган системалаштиришни ва лойиҳавий ечимларни ишлаб чиқишни тақоза этади. Бу савол (муаммо) диссертацияга режалаштирилган илмий – тадқиқот сифатида киритилган.

I боб бўйича хулоса

1. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ва хориж амалиётида ҳам хусусий тадбиркорлик асосида мактабгача мини – боғча муассасалари тармоғини ривожлантириш тенденцияси сезиларли даражада мавжуд болалар боғчалари сони ва уларга бўлган реал эҳтиёж орасидаги номутаносибликни компенсациялашга шарт-шароит яратаёنганлиги кузатилмоқда. Бироқ бу йўналиш стихияли, режасизлик билан ривожланишга асосланган.

2. Шаҳар микрорайонларидаги турар-жой уйлари ичига ва уларнинг кўндаланг томонига қўшиб қуриладиган мини – болалар боғчалари тармоқларини ташкил этишни кўзда тутган янги йўналишни ривожлантириш мамлакамиздаги сингари чет эл лойиҳа-қурилиш амалиётида ҳам мактабгача болалар муассасаларида ўринлар танқислиги муаммосини ечишда ягона мақсадга мувофиқ система сифатида намоён бўлмоқда. Бундай система ҳудудий қатнаш чегарасидаги яшаш жойи бўйича ҳамма болаларга бир хил хизмат кўрсатиш имкониятларини таъминлайди.

3. Бундай системанинг ижобий сифатини мини - болалар боғчаларини микрорайонларда мавжуд бўлган (фаолият юритаётган) одатий типдаги ва ривожланган моддий-техника базасига эга бўлган, юқорида таъкидланаимиздек, “бош” болалар боғчалари билан узвий боғланганлигини таъминлаш эвазига мини боғчаларнинг нормал функция юритиши орқали тушунтириш мумкин.

4. Модулли асосда шаклланаётган “бош” болалар боғчаларининг хориж амалиётида топаётган эгилувчан лойиҳавий ечимлари илмий мулоҳазали ёндашувчанлик учун асос бўлиб хизмат қилаётганлиги мутахассислар томонидан кенг эътироф этилмоқда.

**II боб. Юнусобод турар-жой массиви 19-микрорайонида
қурилиши учун мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг
тармоқлари ва типларини рационал ташкил этиш.**

**1. 19 – микрорайоннинг шаҳарсозлик жиҳатларини аниқлаш ва
мактабгача болалар муассасаларида ўринлар танқислигини ҳисоблаш.**

Кўриб чиқиладиган муаммони тадқиқ қилиш бўйича ўзининг шаҳарсозлик параметрлари (эгаллаб турган майдони, қурилган майдон характери, аҳолига ўқув – тарбиявий комплекс билан хизмат кўрсатиш системаси) билан Ю. Обод турар-жой массивидаги 19 – микрорайон ўзида қизиқарли жиҳатларни намоён этади. Ушбу микрорайон тўзилмаси ўтган асрнинг 60 – йилларида СНиП-60-75 “Шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларини лойиҳалаш” меъёрий талаблари асосида ишлаб чиқилган ва ўзидаГа ҳудудга эга бўлган турар-жой тузилмасини мужассам этади. Микрорайоннинг бош режасига мувофиқ унинг ҳудудида 33 та 5 қаватли ва 4 та 9 қаватли турар-жой уйлари, 3 та умум таълим мактаби, ҳар бири 280 нафар болаларга мўлжалланган бешта (бешинчиси шартла равишда қабул қилинган) болалар боғчаласи ва улар атрофида умумий вазифаларни бажарувчи муассасалар бунёд этилди.

Мини-боғчалар тармоғини ва типларини ҳисоблаш учун ушбу бўлимга қуйидаги асосий вазифалар қўйилди:

1-микрорайон бўйича чақалоқлардан бошлаб 7 ёшгача бўлган болалар сонини аниқлаш;

2- мактабгача болалар муассасаларидаги ўринлар танқислигининг умумий сонини аниқлаш ва 1000 нафар яшовчига тўғри келадиган ўринлар танқислигини аниқлаш.

Бу кўрсаткичларни ўрнатиш учун бошланғич материал бўлиб микрорайонда қурилган 5 ва 9 қаватли турар-жой уйлари блок секцияларининг лойиҳалари, Ўзбекистон аҳолиси ёши таркиби ҳақидаги 2007 йил ҳолати бўйича расмий статик маълумотлар ва Ўзбекистон Республикасининг турар-жой кодекси хизмат қилди.

Статик маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида бошланғич маълумотларни ҳисоблаш олиб борилди ва олинган натижаларга асосланиб бутун 19-микрорайон бўйича мини-болалар боғчаларининг умумий тармоғи ҳисоблаб чиқилди. Ҳисоблаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилди:

19 – микрорайонда 1000 нафар яшовчига тўғри келадиган 0 дан 7 ёшгача бўлган болаларнинг умумий сони бўйича 1 – ҳисоблаш иши.

Статик маълумотлар асосида 2007 йил¹⁰ бўйича Ўзбекистонда аҳолининг демографик таркиби тўғрисида республикада аҳолининг умумий сони ва 0 дан 7 ёшгача бўлган болаларнинг ёш бўйича таркиби ўрнатилди: аҳолининг умумий сони **26 944 500** кишини ташкил этди, бунда мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш бўйича таркиби қуйидагини ташкил этди:

0-2 ёшдагилар	1,602.100
3-5 ёшдагилар	1,510.900
6-7 ёшдагилар	<u>1,034.200</u>
Жами:	4 141 720 (республика бўйича болаларнинг умумий сони)

Бу маълумотларни ҳисобга олган ҳолда кейинги ҳисоблашлар учун қуйида келтирилган формула бўйича 1000 нафар яшовчига тўғри келадиган мактабгача ёшдаги болалар ҳисобий сони ўрнатилади:

$$\frac{4\,141\,720 \times 1000}{26\,944\,500} = \mathbf{154} \text{ бола ;}$$

2. 19 – микрорайондаги болаларнинг умумий сонини ҳисоблаш

19 – микрорайонда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларидаги ўринлар танқислиги мактабгача ёшдаги болалар умумий сони ва бу ерда мавжуд бўлган болалар яслиси – боғчаларидаги жами ўринлар орасидаги фарқни ўзида намоён этади. Микрорайондаги мактабгача ёшдаги

¹⁰Источник в интернете http://statistics.design.uz/ru/data_finder/2344/

болаларнинг умумий сони унда истиқомат қилаётган аҳолининг умумий сони тўғрисидаги маълумотлар асосида қуйидаги формула (1-Ф) бўйича ҳисобланади:

(1-формула) $\frac{y}{1000} \cdot 154$ (1000 нафар яшовчига тўғри келадиган болаларнинг меъёрий сони);

Бу ерда: Y – микрорайонда яшовчи аҳолининг умумий сони

Микрорайонда яшайдиган аҳолининг сони Ўзбекистон Республикаси турар-жой кодекси (1-бўлим.Умумий тушунчалар; 1-боб. Умумий ҳолатлар; 42-мақола. Турар – жой (яшаш) майдонининг ижтимоий меъёри) орқали ўрнатилган ва қабул қилинган меъёр бўйича бир кишига тўғри келадиган – 16 м², умумий майдондан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Унда қуйидагилар таъкидланган : “Турар – жой (яшаш) майдонининг ижтимоий меъёри Қорқалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари томонидан бир кишига тўғри келадиган умумий майдон 16 м² (метр квадрат) дан кам бўлмаган ҳолатда ўрнатилади».

Микрорайоннинг бутун турар-жой қурилиши турли узунлик ва конфигурацияли турар-жой уйларида бунёд этилади, улар иккита блок-секциялар типи билан комплектлаштирилади, улардан биринчи типи 5 қаватли уйлар қурилишига мўлжалланган бўлса, иккинчи эса 9 қаватли уйлар қурилишига мўлжалланади. Улардан турар-жой уйларида келтирилган турли тархий ечимлари яратилади: узун ўлчамли, қисқа ўлчамли, тўғри чизиқли ва эгри чизиқли.

2 - жадвалда 5 қаватли ва 9 қаватли блок-секцияларнинг умумий майдони бўйича кўрсаткичлар ва яшовчиларнинг сони келтирилган. Бир кишига 16 м² майдон (юза) тўғри келишига мувофиқ ҳисоблаш орқали берилган 1647 м² ва 2622 м² ли умумий майдонларга биринчи ҳолатдаги

блок - секцияга 103 нафар иккинчи ҳолатдаги блок-секцияга эса 164 нафар киши жойлашиши ўрнатилди.

Ҳисоблашларга мувофиқ 19 – микрорайонда турар-жойларнинг 5 каватли блок-секциялари умумий сони 148 та ташкил этган бўлса, 9 каватлиники эса – 12 тани ташкил этади.

2-жадвал

5 ва 9 каватли блок-секциялардаги жамланган ҳисобий кўрсаткичлар

Уйнинг типи	1 кишига тўғри кела- диган умумий майдон меъёри М ²	1000 та яшочига тўғри келади- ган МБМ болаларнинг ҳисобланган сони	Блок-секциялар нинг габаритлари	Блок-секция ларнинг умумий (фойдали) майдони	Блок-секциялар яшовчиларининг сони
5-каватли	16	154	10720 x31560	1647.0	1647.0:16=103
9- каватли			12.350 x31200	2622.0	2622.0:16=164

Бутун микрорайон бўйича 5 каватли турар-жой уйларида яшовчиларнинг умумий сони **15200 киши - (148 (блок-секция) x 103 киши), 9 каватлиники эса - 1970 киши- (12 (блок-секция) x 164 киши),** уларнинг **жами сони эса 17170 кишини** ташкил этади.

3. У ҳолда 19 микрорайондаги болаларнинг умумий сони

Кишиларнинг жами сони ҳақидаги маълумотларга мувофиқ юқорида кўриб ўтилган формула (1-формула бўйича 19 микрорайондаги болаларнинг умумий сони ўрнатилади.

(1-формула)

$$\frac{17170}{1000} 154 = 2627 \text{ бола;}$$

4. 19-микрорайонда жойлашган мактабгача болалар муассасаларидаги ўринлар танқислигини ҳисоблаш.

Мактабгача болалар муассасаларида ўринлар танқислиги, юқорида айтилганидек, в мактабгача ёшдаги болалар умумий сони ва бу ерда мавжуд 5 та болалар яслиси – боғчаларидаги жами ўринлар орасидаги фарқни ўзида намоён этади. Ҳар бирининг сифими 280 ўрин бўлган мавжуд 5 та боғчадаги умумий ўринлар сони 280 ўринни ташкил этади, 19 микрорайон бўйича ўринлар танқислиги эса 2 – формулага мувофиқ ҳисоблаганда 1227 та ўринни ташкил этади.

$$(2\text{-формула}) \quad 2627 - 1400 = 1227 \text{ ўрин};$$

5. 19 – микрорайонда 1000 яшовчига тўғри келадиган боғча ўринлари танқислигини ҳисоблаш

Олинган натижа ва микрорайон аҳолиси умумий сони ҳақидаги маълумотларга асосан 19- микрорайон бўйича ҳар бир 1000 та яшовчига тўғри келадиган боғча ўринларига бўлган танқислик меъёри ўрнатилади.

$$(3\text{-формула}) \quad \frac{1227}{17170} 1000 = 72 \text{ та ўрин}$$

2. 19 – микрорайонда мини – болалар боғчалари тармоғини шакллантириш асоси сифатидаги микроразоналар.

Ичкарига ва қўшиб қуриладиган мини – болалар боғчалари тармоғини ташкил этиш масаласини ечишда, аввалом бор, илмий асосланган талабларни формулировкалаш зарурияти кўндаланг бўлиб туради, улар кўриб чиқиладиган шаҳар микрорайони ва Ўзбекистонда унга ўхшаш бўлган микрорайонларда реал эҳтиёжларга тўлиқ мос келадиган натижаларни олиш имконини беради.

Мини – боғчалар ўзининг моддий базасига эга бўлмаган алоҳида типдаги объект бўлиб, улар мавжуд бўлган болалар боғчасининг режавий структурасига ёки лойиҳаланаётган турар-жой уйлари таркибига қўшиб киритилади. Бундай мини – боғчаларда барча муаммо (масала)лар асосан

иккита масала: унинг сиғими ва хоналар таркибини ечиш билан ҳал қилинади.

Мамлакатимиз ва чет эл тажрибасидан кўринадики, турар-жойлар ичига ва уларга қўшиб қурилган мини – боғчаларнинг асосий сиғими 10 - 40 та ўринни ташкил этади.

Кўп йиллик тажриба асосида ўрнатилган бундай мини – боғчалар расмий тан олинган ва ҳозирги вақтда лойиҳа – қурилиш амалиётида улар шаҳарларда қуриладиган янги микрорайонларда тикланиши зарур бўлган турар-жой уйлари лойиҳалашда кенг қўлланиляпти. Масалан, Белоруссия соғлиқни сақлаш вазирлиги қарорига мувофиқ ичкарига қуриладиган мини – боғчаларни турар – жой уйлари лойиҳа фақат биринчи қаватига қуришга рухсат этилади, **бунда боғча гуруҳлари сони иккитадан ошмаслиги ҳам белгиланган.** (Соғлиқни сақлаш вазирлиги болалар боғчаларини турар-жой уйларига қуришга рухсат берган) (Минздрав разрешил пристраивать **детские сады** к жилым домам)...¹¹

2010 й. 27 декабрда «Ичига болалар боғчаси қурилган кўп квартиралар (бр№4 бўйича)» қурилиш ҳақидаги лойиҳавий декларацияда **(ООО«Молния Инвест»)** шундай дейилган: Москва вилоятидаги Звенигород шаҳар округида жойлашган “Молния” турар-жой комплекси ҳудудида мансардали олти қаватли турар-жой уйи лойиҳаланган. Ушбу бинонинг биринчи қаватига иккита гуруҳга эга бўлган болалар боғчаси лойиҳаланган. Мазкур болалар боғчаси 40 ўринга мўлжалланган (ҳар бири 20 нафар болалардан иборат бўлган иккита гуруҳ, улардан биринчи гуруҳи 3-4 ёшли болалар учун мўлжалланган бўлса, иккинчиси эса 5-6 ёшли болаларга ажратилган). Болалар боғчаси болаларга кундуз куни хизмат кўрсатишга мўлжалланган (соат 7:00 дан 19:30 гача).

Фикримизча, бизнинг шароитимиз ва вазиятимизда иқтисодий жиҳатдан энг минимал сарф-харажатлиси бу сиғими бўйича 10 – 20 нафар болаларга

¹¹Интернет манбаи: news.tut.by/society/284576.html).

мўлжалланган мини – боғчалардир. Уларнинг қурилиши давлатга жуда арзон тушади, чунки улар турар-жой уйлари габаритига енгил жойлаштирилади ва бунда хоналарни қайта режалаштириш, инженерлик коммуникацияларини қайта ўрнатиш, хоналарни таъмирлаш ва эксплуатацион харажатлар билан боғлиқ бўлган ишларга кўп меҳнат ва катта маблағ талаб этилмайди. Мини – боғчалар тармоғини ташкил этишда айнан худди шундай иқтисодий фикр – мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда йўл тутиш бозор иқтисодиёти тизимида айниқса жуда муҳим аҳамият касб этади.

Хоналар таркибига тегишли муаммоларни қуйидаги тушунчалардан келиб чиққан ҳолда ечиш тақоза этилади. Чет эл тажрибасида мактабгача ёшдаги болалар муассасалари тармоғини ташкил этишнинг шундай рационал системаси ўрнатишга, унга кўра, моддий – техника базаси бўйича ривожланган одатдаги йирик мавжуд болалар боғчасининг таъсир зонаси радиуси (300 метр) да жойлашган турар-жой уйлари ичига қурилган мини – боғчаларнинг гуруҳи “микрizonaлар” деб аталувчи зоналарни ўзида намоён этувчи ўқув – тарбиявий комплексларни ҳосил қилади.

Бундай ҳолда бундай йирик болалар боғчасига методик, тиббий, спорт – соғломлаштириш, бошқарув ва моддий – техник таъминот хоналарининг тўлиқ таркибига эга бўлган “етакчи” (ёки “бош”) марказ роли берилади. Бу қоидага қатъий риоя қилиш мини – болалар боғчаларини ўйинлар, ўқув машғулотлари, овқатланиш ва ухлаш хоналарининг элементар тўпламига эга бўлган боғча гуруҳлари ячейкалари сифатида тасаввур қилиш имконини беради. Турар-жой уйлари ичига қурилган минимал сиғимли мини – боғчалар ушбу ҳудудга тегишли бўлган майдонларни микрорайонларнинг катта ёшдаги аҳоли дам олиш жойларини жойлаштириш учун иқтисод қилиш имконини беради.

3. Мини – боғчаларни 19 – микрорайондаги 5 ва 9 қаватли турар-жой уйлари структурасига жойлаштириш вариантлари.

Турар-жой уйлари ичига қурилган мини – боғчалар ўзининг сиғимига боғлиқ равишда маълум майдонга эга бўлади ва лойиҳалаш меъёрлари ҳамда бу уйларнинг режавий (тархий) габаритларига мувофиқ равишда ўзининг режавий (тархий) ечимларини шакллантиради.

Замонавий лойиҳа – қурилиш амалиёти мини – боғчаларни турар-жой уйларига жойлаштиришнинг қуйидаги вариантлари мумкин эканлигини кўрсатади: кундаланг жойлаштириш, бунда боғча уйнинг ён томондаги зонасига қўшиб қурилади, фронтал жойлаштириш, бу ҳолда болалар боғчаси уйнинг ўрта қисмига жойлаштирилади ва бурчакли жойлаштириш, бу вариантда мини – боғча уйнинг эгилган қисмига жойлаштирилади. Мини – боғчаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улардан кўпчилиги турар-жой уйларининг кўндаланг (ён) томони зонасига қўшиб қурилади, бундай вариант зарур бўлган ҳолларда боғчага янги хоналарни қўшиб қуриш учун анча қулайлиги билан бошқа вариантлардан фарқ қилади.

Шу билан биргаликда, бизнинг томонимиздан, 19 – микрорайондаги 5 ва 9 қаватли турар-жой уйларининг кўндаланг ва фронтал томони зоналарига жойлаштириш вариантлари ишлаб чиқилди.

3 - жадвал

19 – микрорайондаги 5 қаватли турар-жой уйи учун унинг зонасига қуриладиган мини-боғчаларнинг эгаллаши мумкин бўлган майдони бўйича бу боғчаларнинг типлари ва улардаги ўринлар сони.

№	Турар – жой уйида эгаллаши мумкин бўлган майдонига кўра МТМларни бу уйларга жойлаштириш вариантлари				
	1	2	3	4	5
1	69,0 м ²	132,0 м ²	61,0 м ²	192,0 м ²	266,0 м ²
2	12 ўрин	28 ўрин	10 ўрин	30 ўрин	44 ўрин

4 - жадвал

19 – микрорайондаги 9 қаватли турар-жой уйи учун унинг зонасига қуриладиган мини-боғчаларнинг эгаллаши мумкин бўлган майдони бўйича бу боғчаларнинг типлари ва улардаги ўринлар сони.

№	Турар – жой уйида эгаллаши мумкин бўлган майдонига кўра МТМларни бу уйларга жойлаштириш вариантлари				
	1	2	3	4	5
1	86,0 м ²	142,0 м ²	197,0 м ²	124,0 м ²	287,0 м ²
2	15 ўрин	24 ўрин	33 ўрин	21 ўрин	48 ўрин

4. 19 – микрорайонда мини – болалар боғчалари тармоғини рационал ташкил этиш учун берилган (бошланғич) позициялар

Қуйида формулировка қилинган бошланғич позициялар Юнусобод мавзесидаги 19 – микрорайонда мини – болалар боғчалари тармоғини рационал ташкил этиш учун асос қилиб қабул қилинади ва улар мамлакатимиз ҳамда чет эллардаги мактабгча ёшдаги болалар муассасаларини қуриш тажрибасидан ҳамда шаҳарсозлик, санитар – гигиеник, педагогик, иқтисодий ва лойиҳалаштиришнинг қурилиш меъёрларидан келиб чиқадиган барча ижобий ва мақсадга мувофиқ жиҳатларни ўзида намоён этади.

Мини-болалар боғчалари тармоқларни ташкил этишнинг шаҳарсозлик асослари

Шаҳарсозлик талабларига мувофиқ болалар ясли – боғчаларини хизмат кўрсатиш радиуси 330 – 350 метрга тўғри келадиган ва магистрал кўчалардан изоляция қилинган ер участкаларига жойлаштириш тақоза этилади. Ер участкаларини 90 ўринга – 40 м² юза ([] СНиП П. 11-60-75 «шаҳарлар, посёлкалар ва аҳоли яшаш пунктларини лойиҳалаш ва қуриш») тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда битта ўринни ҳисоблаш орқали қабул қилинади. Меъёрадаги маълумотларга мувофиқ тарзда болалар

ясли – боғчаларини микрорайонлар ҳудудига пиёда қатнаш чегарасида жойлашган уйлар гуруҳи бўйича бир текис тақсимлаган ҳолда жойлаштириш тақоза этилади. Қуриладиган болалар боғчаси жойлашадиган участка яшаш қурилиши ҳудудининг қизил чизғи ичига кириши мумкин, боғча биноси эса қизил чизик ичида жойлашган участка қисми четидан камида 15 м масофада жойлашиши тақоза этилади. Реконструкция қилинадиган районларда бу масофа (оралиқ) 10 м гача камайтирилиши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари санитария борасида дўконлар ва ошхоналарнинг хўжалик ҳовлилари, маиший чиқиндиларни тўплаш жойлари, иситиш қозонхоналари, гаражлар, автотураржойлари ва бошқа ҳимоя зонларини талаб қиладиган объектлар билан қўшни бўлиши мумкин эмас, чунки бундай объектлар болалар саломатлигига жиддий зарар етказиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Болалар боғчаларини участкаларга жойлаштиришда уйин – ошхона ва гуруҳ хоналари деразаларини Жануб ёки Жанубий – шарқ ва Шарққа ориентациялаш мақсадга мувофиқ эканлигини ҳисобга олиш тақоза этилади. МБМ бинолари алоҳида турадиган ҳолатда лойиҳаланади. Боғчалари биноларини уларнинг сиғдириш ўринларига боғлиқ равишда қурилиш меъёрларига асосан бир-икки ва уч қаватли қилиб қуришга рухсат этилади. Уч қаватли болалар боғчалари биноси учун меъёрларда қуйидаги лойиҳавий ва конструктив чегараланишлар кўзда тутилади: учинчи қаватга фақат катта гуруҳларга мўжалланган хоналар, мусиқа ва физкултура (жисмоний тарбия) заллари ҳамда сайр қилиш верандаларини, шунингдек, маиший ва хизмат хоналарини жойлаштириш тақоза этилади. Лойиҳалаш вақтида болалар ва ота-оналар ҳамда хизмат кўрсатиш персонали учун бир қаватли бинолар энг қулай эканлигини ҳисобга олиш тақоза этилади, чунки уларда болалар гуруҳларига кириш жойларини енгил ўрнатиш ва участка билан қулай тарздаги боғланишни таъминлаш мумкин бўлади.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари тармоқларини ташкил этиш, улар жойлашадиган участкани лойиҳалашга санитар – гигиеник ва педогогик талаблар энг кучли таъсир кўрсатади.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари участкаларини лойиҳалашнинг санитар – гигиеник асослари. Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларинг энг асосий мақсади - бу ўз тарбияланувчиларининг соғлигини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча шароитларни яратишдан иоратдир.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларидаги жисмоний тарбия бола организми функцияларини ўстиришни ва унинг жисмоний жиҳатдан тўлақонли баркамол топишини кўзда тутдаи. Айниқса боланинг ҳарактланишини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда ҳаракатланувчан ўйинлар, жисмоний тарбия машғулотлари олиб борилади, эрталабки гимнастика ва спорт уйинлари ўтказилади. Болаларни ҳаракатланиш кўникмаларига ва йил давомида тўрт, беш, олти, етти ёшдаги болалар гуруҳлари учун бирваракайига ҳафтада икки марта ўтказиладиган жисмоний тарбия машғулотларида уларнинг барча машқларни бажара олишга ўргатиш тақоза этилади. Икки ва уч ёшли болалар гуруҳларида эса уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда жисмоний тарбия машқлари олиб борилади. Очик ҳавода тарбиявий ва соғломлаштириш ишлари, турли тадбирларни олиб бориш шароитлари кўп маънода бионинг участкада қандай жойлашганлигига, унинг обонлаштирилганлик даражасига, жиҳозлантирилганлиги ва кўкаламзорлаштирилганлигига боғлиқдир.

Болалар ўз уйларида ва болалар боғчалари хоналарида бўлганда кам ҳаракатланадилар, бу эса уларнинг ўсаётган организмларига салбий таъсир кўрсатувчи гиподинамия касаллигига чалинишларига олиб келади.

Болалар участкада яъни очик ҳавода кунига тўрт соат кам бўлмаган вақт давомида бўлишлари лозим. Иссиқ иқлимли

районларда болалар йилнинг 8-10 ойи мобайнида кун давомида очик хавода (участкада) бўлишлари мумкин.

Ёз фаслида бутун соғломлаштириш машғулотлари ва тарбиявий ишларнинг маълум қисми очик хаво (участка)га кўчирилади, шу сабабли бинонинг ўзига қандай эътибор қаратилса, болалар ясли – боғчалари участкасини режалаштириш, жиҳозлар билан таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ҳам худди шундай санитария – гигиена ва педагогик талаблар қўйилади. Болаларнинг организмларни чиниқтириш учун участкада чўмилиш ёки сузиш ҳавзалари кўзда тутилиши екрак. Болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун юзаси 40 м² гача бўлган соя тушурувчи айвонларга эга бўлган алоҳида гуруҳли майлончаларнинг кўзда тутилиши тақоза этилади ва бу майдончалар болаларнинг ёшига мос равишда қумли, илгамчакли, тоғчалар ва ҳ.к. ўйинлар учун зарур бўлган қурилмалар ва мосламалар билан жиҳозланиши керак. Бундан ташқари, болалар боғчаси участкасида велосипед ва бошқа воситаларда юриш учун эни 1,5 м бўлган йўлакчалар қурилади.

5. 19-микрорайондаги турар-жой уйларига ички қуриладиган мини-болалар боғчалари тармоқларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар

Мамлакатимиз ва хорижда мавжуд бўлган мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг болаларни қамраб олиш даражаси ва боғча ўринларига бўлган реал эҳтиёж орасидаги фарқни қисқартиришни таъминлаш юзасидан олиб борилаётган амалий чора – тадбирлар бўйича ўтказилган жамланган таҳлил натижаси аввалом бор, бу муаммони ечишда иқтисодий мақсадга мувофиқлик энг асосий жиҳат деб ҳисобга олиниши ҳақида гувоҳлик беради. Иқтисодий мақсадга мувофиқлик мини – боғчаларни мавжуд бўлган “бош” болалар боғчасига нисбатан рационал жойлаштириш талабларига қатъий риоя қилишни тақоза этади: мини –

боғчаларни мумкин қадар “бош” болалар боғчасига яқин бўлган турар-жой уйларига жойлаштириш лозим, чунки уларни мусиқа ва гимнастика заллари, спорт майдончалари, чўмилиш ва сузиш хавзалари каби умумий вазифаларни бажарадиган жойлар билан узвий боғалаш ва улардан максимал фойдаланишни таъминлайди, “бош”боғчалар уларни озик – овқатлар билан ҳам таъминлайди. Иқтисодий мақсадга мувофиқлик, шунингдек, боғчалар тармоқлари структурасида мумкин қадар кам сиғимли мини – боғчалар қўлланилишини тқоза этади, чунки улар катта бўлмаган режавий реконструкция ва қайта режалашни талаб қилмаган ҳолда турар-жой структурасига енгил ва ортиқча пул маблағларисиз киритилади. Бунда шундай ҳолатни ҳам таъкидлаш муҳимки, иқтисодий жиҳатдан ҳам ва амалий нуқтаи назардан ҳам мини – боғчаларни турар-жой уйларининг ён (кўндаланг) томонига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бундай вазиятда бундай ҳолат шу билан тушунтириладики, зарур бўлган ҳолларда уларнинг сиғимини кенгайтиришга уларни яшаш уйи ён томонига қўшимча хоналарни қўшиб қуриш эвазига эришилади. Лекин бундай системанинг жалб қилувчанлик сабаби шу билан тугалланадики, бинонинг ён томонига қурилган мини – боғчалар ушбу бинонинг фронтал томонига қурилган мини – боғчаларга нисбатан кам майдонни эгаллайди.

Шундай қилиб, юқорида таъкидланганлардан шундай хулосага келинадики, Юнусобод яшаш мавзесидаги 19 – микрорайонда мини –боғча тармоқларини ташкил этиш асосида ётувчи энг бош бошланғия омиллар сифатида қуйидаги талабларни келтириш тақоза этилади: 1 – мини – боғчалар тармоғини “микрорайонлар” принципи асосида ишлаб чиқиш зарур; 2 – мини – боғчаларни ташкил этишда мумкин қадар минимал сиғимдан фойдаланиш лозим; 3 – мини – боғчаларни “бош” болалар боғчасига энг яқин бўлган турар-жой уйлари ичига жойлаштириш тақоза этилади; 4 – мини – боғчаларни мумкин қадар турар – жой уйларининг ён томонидаги зонага жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бу барча талаблар Ўзбекистон шаҳарлари ва посёлкаларини лойиҳалашнинг шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига киритилган умумий ҳолатлар билан тўлиқ келишганлик асосида қабул қилинади.

6. 19-микрорайонда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари тармоқларини қуришда графо-аналитик методдан фойдаланиш

Юнусобод турар-жой мавзеси 19 – микрорайонида мини – боғчалар тармоқларини графо – аналитик метод билан қуриш асоси учун “умумийликдан хусусийликка” дедуктив кетма-кетлик принципи қабул қилинган. Бу принципга биноан 19 – микрорайон учун қабул қилинган турар-жой уйлари ичкарасига қуриладиган мини-боғчаларнинг тармоқлари ва типлари графо – аналитик метод билан қуришнинг кетма-кет ривожланидиган босқичлари асосида ўрнатилади.

1- босқич. Бу босқичда 19 – микрорайонда мавжуд “бош” болалар ясли – боғчаларининг таъсир чегаралари (микрозоналари) ўрнатилади (белгиланади). Бу микрозонлар бешта (8- расм). Бу зоналарнинг ҳар бирига ичкарасига мини-боғчалар қурилган турар-жой уйлари гуруҳи киради;

2-босқич . “Бош” болалар боғчасига тортиладиган яшаш уйлар сони максимал ўзаробоғлаш принципи бўйича аниқланади;

3-босқич. 19 – микрорайондаги ҳар бир микрозона бўйича аҳоли сони аниқланади;

4-босқич . Аҳолининг умумий сони ва 1000 кишига тўғри келадиган боғча ўринлари танқислиги кўрсаткичи бўйича мактабгача ёшдаги болалар боғчаларига бўлган қўшимча ўринларнинг талаб этиладиган сони аниқланади. Ҳар бир зона аҳолисининг сони 5 ва 9 қаватли яшаш уйлариининг ҳар бир блок секцияларидаги яшовчилар сони бўйича аниқланади.

5-босқич. Ҳисоблашларнинг натижалари Юнусобод яшаш мавзесидаги 19 – микрорайондаги мини –боғчалар типларининг сиғдириш кўрсаткичлари бўйича жамланган жадвалига киритилади (6 -жадвал).

1- Микрорайон зонаси бўйича мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига бўлган қўшимча ўринлар сонини ҳисоблаш:

5 қаватли турар-жой уйлариининг 27 та блок-секциялардаги яшовчилар сони $27 \times 103 = 2781$

Худди шундай 9-қаватли уйники $6 \times 164 = 984$

Микрорайонда яшовчиларнинг умумий сони -3765

Мактабгача болалар муассасалари (МБМ) га талаб этилган қўшимча жойлар (ўринлар) $= 3765 \times 72 = 271$

Турар-жой уйлариининг ён томонига қурилган 11 мини-боғчаларнинг ҳар бирининг сиғими бўйича типи – 24 ўрин

2 - Микрорайон зонаси бўйича мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига бўлган қўшимча ўринлар сонини ҳисоблаш:

5 қаватли турар-жой уйлариининг 35 та блок-секциялардаги яшовчилар сони $35 \times 103 = 3650$

Мактабгача болалар муассасалари (МБМ) га талаб этилган қўшимча жойлар (ўринлар) $= 3650 \times 72 = 262$

Турар-жой уйлариининг ён томонига қурилган 14 мини-боғчаларнинг ҳар бирининг сиғими бўйича типи – 20 ўрин

3 - Микрорайон зонаси бўйича мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига бўлган қўшимча ўринлар сонини ҳисоблаш:

5 қаватли турар-жой уйлариининг 28 та блок-секциялардаги яшовчилар сони $28 \times 103 = 2884$

Мактабгача болалар муассасалари (МБМ) га талаб этилган қўшимча жойлар (ўринлар) $= 2884 \times 72 = 207$

Турар-жой уйлариининг ён томонига қурилган 13 мини-боғчаларнинг ҳар бирининг сиғими бўйича типи – 16 ўрин

4 - Микрорайон зонаси бўйича мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига бўлган қўшимча ўринлар сонини ҳисоблаш:

5 қаватли турар-жой уйлариининг 34 та блок-секциялардаги яшовчилар сони $34 \times 103 = 3502$

Мактабгача болалар муассасалари (МБМ) га талаб этилган қўшимча жойлар (ўринлар) = $3502 \times 72 = 252$

Турар-жой уйларининг ён томонига қурилган **15** мини-боғчаларнинг ҳар бирининг сиғими бўйича типи – **17** ўрин

5- жадвал

Мавжуд “бош” болалар ясли – боғчаларининг таъсиридаги микрорайонлар чегараларида турар-жой уйлари ичига қуриладиган мини-боғчаларнинг типлари (сиғими) бўйича жамланган маълумотлар

5 – Микрорайон зонаси бўйича мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига бўлган қўшимча ўринлар сонини ҳисоблаш:

5 қаватли турар-жой уйларининг **21** та блок-секциялардаги яшовчилар сони $21 \times 103 = 2163$

Микрорайонлар бўйича ҳисобланган кўрсаткичлар					
Мавжуд “бош” болалар ясли-боғчаларининг таъсиридаги микрорайонлар	Микрорайонда яшайдиганларнинг сони	1000 аҳолига Боғча ўринларига бўлган танқисликнинг ҳисобланган ўрнатилган меъёри	Талаб этилган қўшимча боғча ўринларининг умумий сони	Мини-боғчаларни жойлаштириш учун турар-жой уйларининг ён (қўндаланг) томонлари сони	Турар-жой уйининг битта ён томонига тўғри келадиган қўшимча боғча ўринлари
1	3 765	72	271	11	24
2	3 650		262	14	20
3	2 884		207	13	16
4	3 502		252	16	15
5	3 147		226	12	20

Худди шундай 9-қаватли уйдагиники $6 \times 164 = 984$

Микрорайонда яшовчиларнинг умумий сони - **3147**

Мактабгача болалар муассасалари (МБМ) га талаб этилган қўшимча жойлар (ўринлар) = $3147 \times 72 = 226$

Турар-жой уйлариининг ён томонига қурилган 8 мини-боғчаларнинг хар бирининг сифими бўйича типни – 25 ўрин

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб Юнусобод яшаш мавзесидаги 19 – микрорайонда ва унга ўхшаш тарзда ташкил топган бошқа турар-жой тузилмаларида боғча ўринларига бўлган танқислик (қўшимча эҳтиёж) ни компенсациялаш мақсадида турар-жой уйлари ичига ҳаммаси бўлиб мини-боғчаларнинг учта типини жойлаштириш тўғрисида асосий хулосага келиш мумкин:

Юнусобод турар-жой мавзесидаги 19-микрорайон учун қўлланиладиган ичкарига қуриладиган **мини-боғчаларнинг типлари:**

16 ўрин; 20 ўрин; 24 ўрин;

7. Янги турар-жой тузилмаларида турар-жой уйлари ичига қуриладиган мини-боғчалар тармоғини ташкил этишнинг асосий жиҳатлари

Агар аввалдан мавжуд бўлган турар-жой қурилиши шароитларида мини-боғчалар тармоқларини ташкил этиш ва ривожлантириш фаолият юритаётган “бош” ташкил этувчи объектлар сифатидаги болалар ясли-боғчалари билан аниқланган бўлса, янгидан қурилаётган микрорайонлар қурилиши шароитларида эса бундай боғчалар тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш реал эҳтиёжлар, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик жиҳати ва шаҳарсозлик лойиҳалаш меъёрларидан келиб чиққан ҳолда анча эркин асосда олиб борилади. Турар-жой уйлариининг ичига мини-боғчаларни қуриш методи ўзининг юқори иқтисодий тежамкорлиги билан шаҳар турар-жой тузилмаларидаги боғча ўринларига бўлган танқисликни компенсациялашни қисқа муддатларда таъминлаш имконини берадиган самарадор (эфектив) йўналишлар бирдамлигини намоён этиши бизнинг республикамизда бўлганидек, чет эл замонавий

лойихалаш – қурилиш амалиётида ҳам ҳеч бир шак – шубҳасиз исбот қилинган ва тасдиқланган. Янги йўналишнинг бу жиҳати ўзининг юқори иқтисодий тежамкорлиги ва эгилувчанлиги эвазига замонавий шаҳарсозликнинг қандайдир ҳолатларига ўзининг коррективаларини киритади. Ҳозирги вақтда янги микрорайонларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш босқичида режавий (тархий) структурасига ички қуриладиган мини-боғчалар жойлаштириладиган турар-жой уйларининг қўлланилаётганлигига кўплаб мисолларни келтириш мумкинлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Муаммони ечишга бундай ёндашиш ҳамма элементлари қаътий ўзаробоғланувчан фнукционал асосда лойиҳаланадиган мини-боғчалар ва базали “бош” ясли – боғчаларнинг пухта ва иқтисодий жиҳатдан рационал тармоқларини яратиш имконини беради. Бундай вазиятда мини-боғчалар тармоқларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳамма моддий сарф-харжатларни минимал чегара (даража) га оқилона равишда максимал туширишнинг энг мақбул (оптимал) вариантини танлаш имкони мавжуд бўлади. Мини-боғчалар тармоқларини шакллантиришда бундай методнинг яққол устунликларга эга эканлиги ичига мини-боғчалар қурилган турар-жой уйларини микрозоналарда бирлашган “бош” болалар боғчалари атрофига гуруҳлаштириш айнан янги қурилаётган шаҳар турар-жой тузилма (микрорайон)ларининг бош режаларида аниқловчи омил (фактор) бўлишини маълум бир ишонч билан тақлиф этишни ҳар томонлама асослаб беради.

Бундай янгидан қуриладиган ва мавжуд бўлган микрорайонларда “микрозоналар” системаси асосида мини-боғчалар тармоқларини ривожлантириш масадга мувофиқлигини таъкидлаш ўринлидир, чунки бу система шаҳарсозлик ва иқтисодий жиҳатдан қўйиладиган талабларга анча тўлиқ жавоб беради. Ҳар бир “микрозона”нинг принципиал структураси ички қурилган мини-боғчаларга эга бўлган турар-жой уйлари билан қуршаб олинган “бош” болалар боғчасидан ташкил топган модел

кўринишида берилиши мумкин. Бундай микрорайонлар ёпик ва ярим ёпик композиция кўринишида ечилиши мумкин.

“Микрорайон” моҳияти бўйича бошланғич яшаш ячейкасини ўзида намоён этиб, бу ячейкалардан микрорайоннинг бутун селитиб турар-жой қурилиши вужудга келади.

8. Янги қуриладиган микрорайонлар шароитларида мини-боғчаларнинг тармоғи ва типлари

Янги микрорайонлардаги мини-боғчалар тармоғи турли тиғисликда жойлашган турар-жой фонди шароитларида ривожлантирилиши мумкин.

Қуйида кўрсатилган математик ҳисоблашлар асосида бизнинг томонимиздан мини-боғчалар тармоқларининг мақбул (оптимал) вариантлари ва уларнинг турли тиғисликдаги турар-жой фондига эга бўлган микрорайонлар бўйича типлари ўрнатилди.

6-жадвал

Турар-жой фондининг тиғислиги (зичлиги). Турар-жой биноларининг қаватига боғлиқ равишда микрорайонни қуришда 1 га ҳудудга тўғри келадиган умумий майдон м².

Қаватлар сони	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Турар- жой фонди зичлиги	3000	3900	4200	4800	5100	5400	5700	6300	6700

Микрорайондаги мини-боғчалар тармоқларини ҳисоблашда қуйидаги вазифалар олдинга қўйилади: 1 – ҳар бир микрорайон бўйича мини-боғчаларда талаб этиладиган ўринлар сонини аниқлаш; 2 – “бош” ясли – боғча типини(сифими бўйича) аниқлаш; 3 – турли тиғисликда эга бўлган турар-жой фондидаги микрорайонлар учун турар-жой уйлариининг ичига қурилган мини-боғчалардаги ўринлар сонини аниқлаш. Ҳисоблаш натижалари жадвалда келтирилган.

Ҳисоблаш қуйидаги кетма – кетликда олиб борилади:

1. Микроразоналар модели учун боғча ёшидаги болалар сони аниқланади:

а. микроразоналарнинг майдони аниқланади;

(1-формула) $S = \pi r^2 = 28.2 \text{ га}$; $S - r = 300 \text{ м}$ бўлганда микроразоналарнинг майдони;

б. ҳар бир микроразонада жойлашган барча уйларнинг умумий (фойдали) майдони аниқланади;

(2-формула) $Z_{2-10} = y_{2-10} \times 28.2 \text{ га}$; Z_{2-10} – турли қаватли биноларга эга бўлган микроразонага тўғри келадиган умумий майдон;

y_{2-10} – турли қаватли бинолар қурилишида 1 Га га тўғри келадиган умумий майдон;

в. Микроразоналарда истиқомат қилаётган аҳолининг умумий сони аниқланади;

(3-формула) $G_{2-10} = Z : 16 \text{ м}^2$; G_{2-10} – турли қаватли бинолар қурилишида микроразонада истиқомат қилаётган одамлар сони;

16 м^2 - Ўзбекистон турар-жой кодексига мувофиқ яшаш майдонининг меъёри (нормаси)

г. Микроразоналарда яшаётган болаларнинг умумий сони аниқланади.

(4-формула) $C_{2-10} = G \times 154$; C_{2-10} – турли қаватли бинолар қурилишида ҳар бир зонадаги болаларнинг умумий сони; 154 - Ўзбекистон статик маълумотларига бўйича 1000 кишига тўғри келадиган 0 дан 7 ёшгача бўлган болалар сони

Турли тифисликка эга бўлган турар-жой фонди микроразоналарида ҳисоблаш орқали аниқланган боғча ёшидаги болаларнинг умумий сони мос равишда қуйидагиларни ташкил этади:

816, 1078, 1140, 1309, 1386, 1463, 1540, 1555, 1848 ўрин


2. Янги турар-жой тузилмаларида “бош” болалар ясли-боғчасини қўллаш учун унинг (сиғими бўйича) талаб этилган типни аниқланади.

Турар-жой тузилмаларида қуриш учун “бош” болалар ясли-боғчаси типини танлаш ҳам иқтисодий фикр-мулоҳазалар юритиш орқали амалга оширилади. Амал қилаётган мавжуд қонуният: болалр ясли-боғчасини йириклаштириш билан уларнинг қурилиш ва эксплуатацион харажатлари камаяди (9 - расм).

Қуйида келтирилган графиклардан бу қонуният капитал харажатлар (маблағлар)га тешили бўлгани (қўлланилгани) каби эксплуатацион харажатларга ҳам тешили бўлади (қўлланилади). Капитал маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги (эфективлиги)ни оширишга кўп сонли омил (фактор)лар таъсир кўрсатади. Болалар муассасалари қурилишига ажратилган маблағларнинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган асосий омил (фактор)ларга қуйидаги омиллар: хизмат кўрсатиш тармоғини тўғри ташкил этиш ва бино типини рационал танлаш; иқтисодий жиҳатдан анча мақбул бўлган ҳажмий-режавий (тархий) ва конструктив ечимларга эга бўлган типли лойиҳаларни қўллаш. Сиғимни ошириш билан капитал маблағларни пасайтириш қуйидаги ҳолатлар билан тушунтирилади.

Йирик типдаги биноларда умумий хоналар (гимнастика ва муסיқа машғулотлари учун мўлжалланган зал, тиббиёт хонаси)нинг ҳамда маъмурий – хўжалик хоналарининг майдонлари битта ўринга тўғри келадиган майдондан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Масалан, 140 ўринга мўлжалланган ясли-боғча ишчи майдонлари ва қурилиш ҳажмининг кўрсаткичлари 280 ўрили ясли-боғчаники билан солиштирилганда ўртача 8-10% га юқори бўлади (Блохина Н.Б., Вихрова Л.Т., Давыдова Г.М. Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари //Стройиздат, М.:1971).

Йирик ва ўртача сифимли болалар муассасаларида битта ўрин (жой)га ҳисобланадиган юза бир хил бўлганда участканинг умумий



9 – расм. Болар боғчалари сифимини ошириш тадбири бўйича сарф-харажатлар (молиявий маблағлар)ни пасайтириш қонуниятининг графиги. А – капитал маблағ қўйилмаси (1969 йил нархида битта ўриннинг нархи); Б – эксплуатацион харажатлар (1969 йил нархида битта ўриннинг нархи).

майдонида физкултура билан шуғулланиш, чўмилиш ҳавзаси, хўжалик ҳовлиси каби участканинг энг қиммат турадиган элементлари

майдонларининг ўлчамлари болалар ясли-боғчаси сиғими ўзгарганда ҳам ўзгармасдан қолади. Болалр боғчаларида эксплуатацион харажатларни камайтириш шу билан тушунтириладики, сиғимни ошириш билан бинони иситиш, ёритиш, жорий ва капитал таъмирлашга сарфланадиган маблағ қисқаради. Бу харажатлар 280 ўринли болалар ясли-боғчаларида 90-140 ўринли болалар ясли-боғчаларига қараганда 4 – 6% га камдир. Йирик сиғимли болалар боғчаларининг устунлик жиҳатлари ҳақидаги бу ишончли фактлар болалар муассасалари тармоқларини ташкил этишда болалар боғчаларининг йирик биноларидан фойдаланишга интилиш лозим деган тушунчани асослайди.

Бундай иқтисодий мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қаралаётган ҳисоблашларда қайта қабул қилиш йўли билан танлаш мактабгача ёшдаги болалар муассасалари сиғими бўйича энг йирик бўлган 660 ўринли ясли-боғча мақсадга мувофиқ эганлиги аниқланди. Жадваллардан турар-жой фондининг тўққиста ҳолатларининг ҳаммасида микрозоналардаги болалар сони ушбу типдаги болалар боғчасининг сиғимидан кўп эканлигига кўриниб турибди.

Ушбу вазиятда барча микрозоналарда, жумладан 5 ва 9 қаватли бинолар қурилган микрозоналарда ҳам “бош” болалр ясли-боғчаси сифатида сиғими **660 ўрин** бўлган йирик болалар ясли-боғчаси комплексидан фойдаланилади.

Улар орасидаги болаларнинг сонли фарқини мини-болалар боғчаларига жойлаштириш тақоза этилади. Болаларнинг бу қисмини мактабгача тарбия хизматлари билан таъминлаш учун микрорайонлардаги турар-жой уйларига ички қуриладиган мини-боғчаларнинг сиғимини аниқлаш масаласи олдинга қўйилади.

Микроразоналардаги турар-жой уйларига ички қуриладиган мини-боғчаларнинг типлари аниқланади, бунинг учун қуйидагиларни бажариш талаб этилади: ***а. микрозоналар моделларида жойлашадиган турар-жой уйлариининг сони аниқланади.***

7-жадвал

Турли зичликдаги турур-жой фондига эга бўлган ҳар хил қаватли уйлар қурилган микрозоналарда жойлашган мини-боғчалардаги ўринлар сонини аналитик ҳисоблаш (1 Га тўғри келадиған М² умумий майдон)

Қаватлар сони	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Турур-жой фондининг зичлиги	3 000	3 900	4 200	4800	5100	5400	5700	6300	6700
1га микрозона га тўғри кела диган умумий майдон	84600	109980	118440	135360	143820	152280	160740	177660	188940
Микрорайондаги яшовчилар сони	5288	6874	7403	8460	9000	9518	10046	11104	11809
Микрорайондаги болалар сони	816	1078	1140	1309	1386	1463	1540	1555	1848
“Бош” болалар боғчасининг талаб этиладиган типи	660	660	660	660	660	660	660	660	660
Мини-болалар боғчаларида талаб этиладиган ўринлар сони	158	318	480	649	738	803	880	895	988
Турур-жой уйларининг сони				5та блок-секциядан иборат бўлган уйлар учун 20				3та блок-секциядан иборат бўлган уйлар учун 27	
Кўндаланг томонлар сони				40				54	
Ҳар бир мини-боғчадаги ўринлар сони				16				17	
Турли тифисликдаги турур-жой фондининг барча ҳолатлари учун так лиф этила диган ўртача сифимли мини-боғча типи	20 ўрин								

Шу мақсадда турли тифисликка ва қаватликдаги турур - жой фонди эга бўлган микрорайонлар учун умумий (ишчи) майдони бўйича

турар - жойи уйининг ўртача типини ўрнатиш масаласи олдинга қўйилади. 5 ва 6- қаватли бинолар қурилиши учун 19-микрорайонни таҳлил қилиш асосида биринчи ҳолат бўйича ўртача тип учун умумий майдони 6650 м² бўлган бешта блок секциядан иборат бўлган 5-қаватли уйни, иккинчи ҳолат учун эса умумий майдони 77410 м² бўлган учта блок-секциядан иборат 9-қаватли турар-жой уйини қабул қилиш мумкин.

Бу кўрсаткичларга асосланиб, ўрнатилади.

$$(5\text{-формула}) \quad W = D_{2-10} : p;$$

W- турли тифсликдаги турар жой фондига эга бўлган микрозоналарда шартли турар-жой уйлариининг сони; D_{2-10} – микрозоналардаги турар-жой уйлариининг умумий (ишчи) майдони; p – турли қаватли бинолар қурилишига эга бўлган микрозоналар моделидаги турар-жой уйининг умумий майдони.

б. Микрозоналардаги турар-жой уйларига ички қуриладиган мини-боғчаларнинг типлари аниқланади.

Ушбу маълумотларга асосланган ҳолда мини-боғчаларни жойлаштириш учун турар-жой уйлариининг сони ва уларнинг кўндаланг томонларининг сони аниқланади. 5 ва 9 қаватли турар-жой уйлари биноларига эга бўлган микрозоналар учун кўндаланг томонлар сони мос равишда 40 и 54 тани ташкил этди, мини-боғчаларнинг ўртача сиғими **20** та ўринга тенг қилиб қабул қилинди.

Юқорида олиб борилган ҳисоблашлар асосида мавжуд бўлган ҳамда янги қуриладиган микрорайонлардаги турар-жой уйларига ички ва қўшиб қуриладиган мини-боғчаларнинг жойлаштириш учун мини-боғчаларининг сиғими бўйича **16, 20 ва 24** ўринли учта типли номенклатураси етарли эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

II боб бўйича хулоса

A. Аввалдан таркиб топган қурилиш бўйича хулосалар:

1. Республикада мактабгача ёшдаги болалар таълим муассасалари ўринларига бўлан танқислик (қўшимча эҳтиёж) муаммосини фақат турар-жой уйлари ичига ёки уларнинг ён (кўндаланг) томонига қўшиб қуриладиган мини-боғчаларни ташкил этиш билан ечиш (ҳал этиш) мумкин;

2. микрорайонларда мини-болалар боғчаларининг тармоқлари мавжуд бўлган (фаолият юритаётган) умумий типдаги болалар ясли-боғчаси билан биргаликда (ягона тизимда) қурилиши лозим;

3. Мини-боғчалар тармоқларини фаолият юритаётган (мавжуд бўлган) болалар ясли – боғчалари атрофида 300 м радиусда пиёда етиб бориш чегарасида ҳосил қилинадиган “микрозоналар” тизими (системаси) асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

4. Ҳисоблаш асосига қуйидаги ҳисобланган меъёрлар (нормативлар) қабул қилинади:

- 1000 нафар яшовчига тўғри келадиган болалар сони – 154 нафар;
- болалар мини боғчаларига талаб қилинадиган қўшимча ўринлар сони - 72 ўрин;

5. Турар-жой уйларига мумкин қадар минимал сиғимли мини-болалар боғчаларини қуриш.

B. Янги қуриладиган турар-жой тузилмалари бўйича хулосалар:

6. Тармоқ ўз таркибига 660 ўринли одатдаги типли йирик “бош” болалар ясли-боғчасини ва мумкин қадар минимал сиғими 16 дан 24 ўрингача бўлган ички қурилган мини-боғчаларга эга бўлган турар-жой уйлари киришган ҳолда “микрозоналар” системаси бўйича хизмат кўрсатиш асосида қурилиши зарур.

III боб. Ўзбекистон қурилиш учун мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини архитектуравий ташкил этиш бўйича тавсиялар

Юқорида айтилиб ўтилганидек, бизнинг томонимиздан олиб брилган тадқиқотлар асосида мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида ўринлар танқислигини компенсациялаш муаммосини ечиш учун мавжуд бўлган микрорайонлардагидек, келгусида қуриладиган микрорайонларда ҳам турар-жой уйлариғари ичига қуриладиган мини-боғчаларнинг ҳаммаси бўлиб учта: **16, 20** ва **24** ўринли типлари етарли бўлиши ўрнатилди (аниқланди). Қурилиб битказилган микрорайонларда мактабгача болалар муассасалари тармоғини ишлаб турган “бош” болалар боғчалари ҳосил қиладиган “микроразоналар” асосида ва турар-жой уйлари тархий структураси ичига қурилган мини-боғчаларга эга бўлган турар-жой уйлари гуруҳларида қуриш мақсадга мувофиқ эканлиги ўрнатилди. Келгусида қуриладиган микрорайонларда ҳам мактабгача болалар муассасаларини тармоғини “микроразоналар” базасида қуриш таклиф этилмоқда, лекин бунда биринчи ҳолдагидан фарқли ўлароқ “бош” болалар боғчаси типи ҳисоблаш йўли орқали ҳал қилинади (қабул қилинади). Янгидан қуриладиган микрорайонларда уларнинг шаҳарсозлик характеристикаларидан қатъий назар, мактабгача болалар муассасалари тармоғини сиғими **660** ўрин бўлган йирик “бош” болалар боғчаси – комплексининг умумий типи асосида қуриш лозимлиги ҳисоблашлар орқали ўрнатилди.

Турар-жой уйлари ичига қуриладиган мини-боғчалар ва 660 ўринли боғча-комплексининг архитектуравий-тархий ташкил этилиши асосий педагогик, санитар-гигиеник ва иқтисодий талаблардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

1. Турар-жой уйлари ичига қуриладиган мини-боғчаларга қўйиладиган педагогик талаблар.


Турар-жой уйлари ичига қуриладиган мини-боғчалар элементар гуруҳли ячейкаларни ўзида намоён этади ва одатдаги болалар ясли-

боғчалари каби ўз таркибига функционал жиҳатдан зарур бўлган ҳамма хоналарни киритмоғи лозим (10-расм):

- ясли гуруҳлари учун – қабул қилиш хонаси, ўйин-овқатланиш хонаси, буфет, хожатхона ва иситилмайдиган веранда;

- мактабгача ёшдаги гуруҳлар учун – кийим алмаштириш хонаси, гуруҳ хонаси, ювиниш жойи, буфет и хожатхона.

Гуруҳлар ячейкаларидаги хоналарнинг жойлашиш кетма-кетлиги ва ўзароалоқадорлиги ички функционал жараёнлар билан аниқланади. Мактабгача ёшдаги болалар муассасасида бола, аввалом бор, дастлаб қабул қилиш хонасига (ясли гуруҳларида) ёки кийим алмаштириш хонасига (мактабгача ёшдаги гуруҳларда) ташриф буюради, бу хоналарда болаларни кўздан кечиришади, ота-оналардан қабул қилишади ва қайта кийинтиришади, қабул қилиш ва кийим алмаштириш хонасидан кейин бола ўйин хонасига (ясли гуруҳларида) ёки гуруҳ хонасига боради (мактабгача ёшдаги гуруҳларда). Ўйин ва гуруҳлар хоналари болалар муассасаларининг асосий хоналари деб ҳисобланилади, уларда болалар ўзларининг асосий вақтини ўтказишади ва овқатланишади. Ўйин ёки гуруҳлар хоналарига бевосита буфет ва болалар учун мўлжалланган хожатхона биркади. Болаларнинг тоза ҳавода ухлашлари ва салқин об-ҳавода ўйнашларини ташкил этиш



10-расм. Ясли ва боғча гуруҳлари ячейкалари функционал –ташкилий структураси:
1 – ясиларнинг гуруҳли ячейкаси, 2 – болалар боғчасининг гуруҳли ячейкаси.

учун болалар гуруҳлари хоналари таркибига ухлаш верандалари киритилади. Улар мавжуд турар-жой уйлариининг габаритлари ва тархий структурасига киритилар экан, хоналарнинг майдонлари анча ориентирланган аҳамият касб этади (8- жадвалга қаранг).

8- жадвал


Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида ясли ва боғча гуруҳлари хоналарининг таркиби ва майдонлари

№/№	Хоналар номланиши	Ясли гуруҳлари	Боғча гуруҳлари
1	Кийим алмаштириш хонаси	0.9 битта ўринга	0.72 битта ўринга
2	Гуруҳ хонаси	2.5 «»	2 «»
3	Ётоқхона	1.8 «»	2 «»
4	Буфет	3 «»	3 «»
5	хожатхона	0.8 «»	0.65 «»

Изоҳ: Хоналар майдони ва таркиби “ВСН 49-86” меъёри бўйича қабул қилинган. Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилиш меъёрлари. Лойиҳалаш меъёрлари”

2. Умумий типдаги ясли – боғчаларнинг тархий ечимларига қўйиладиган талаблар.

Умумий типдаги ясли – боғча умумий педагогик тушунчалар ва меъёрий талаблар асосида лойиҳаланади. Бу болалар муассасасининг таркибига асосий ва ёрдамчи хоналарнинг тўлиқ тўмлами киради, бу тўплам алоҳида функционал гуруҳлар хоналари: ясли ва боғча гуруҳлари ячейкалари умумий хоналар гуруҳи, маъмурий-хўжалик хоналари гуруҳидан ташкил топади (11-расм). умумий ўхоналар гуруҳига: мусиқа ва гимнастика машғулотлари заллари, методик кабинет, тиббиёт хонаси, процедура хонаси; маъмурий-хўжалик хоналари таркибига: мудир кабинети, хўжалик юритувчисининг кабинети, персонал хонаси ва шу каби хизмат – маиший хоналар, овқатланиш блоки, кир ювиш ва хизмат хоналари ва маиший хоналар киради.



11-расм. Умумий типдаги болалар ясли-боғча комплексининг ташкилий педагогик структураси

Санитар – гигиеник талаблар. Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг лойиҳавий ечимларида асосий эътибор бу ерда тарбиланаётганларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча шароитларни яратишга қаратилиши тақоза этилади.

Шунга боғлиқ ҳолда участкани обонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва сув айланмаси билан таъминлаш масаласига муҳим аҳамият ва катта эътибор қаратилади, болалар гигиеник талабларга мувофиқ кун давомида 4 соатдан кам бўлмаган вақт давомида бу ерда бўлишлари лозим. Иссиқ иқлимли районларда йилнинг 8-10 ойи мобайнида болалар кун давомида очик ҳавода бўлишлари мумкин. Бу ерда болаларга ҳаракатланиш ўйинлари,

спорт машғулотлари, эрталабки гимнастика билан шуғулланишлари учун ҳамма шароитлар яратилган бўлиши, шунингдек, сув сепиш ва чўмилиш ҳавзаларининг бўлиши ҳам лозим. Бу ерда улар учун характланучан ўйинлар, спорт машғулотлари, эрталабки гимнастика ҳамда сув сепиш ва чўмилиш ҳавзачалари учун ҳамма шароитлар яратилиши лозимдир.

Мактабгача ёшдааги болалар муассасаларини лойиҳалашнинг бош муаммоларига болалар организмнинг ҳаётчанлиги учун уларнинг маълум муддат давомида бўладиган хоналар: гуруҳ ва ўйин – овқатланиш хоналарининг температура – намлик даражаси борасида комфорт шароитларни таъминлаш киради. Лойиҳавий ечимларда бунга ҳамма мумкин бўлган тархий ечимлар, ҳажмий – фазовий композициялар, микроиклимни тартиблаш (регулировкалаш)нинг табиий ва сунъий воситалардан фойдаланиш оқали эришилади. Иқлими қуёшнинг юқори туриш ҳолати, муддатли ёруғлик режими, ташқи ҳавонинг юқори температураси ва қуруқлиги билан ажралиб турадиган Ўзбекистон сингари жанубий районларда (мамлакатларда) лойиҳачиларнинг энг муҳим мақсадларидан бири бу асосий хоналарнинг исиб кетишига қарши курашишини ўзида намоён этади. Қуёш радиацияси иссиқликни ташувчи энг бош воситадир. Эрталабки чиқаётган, кундузги мавжуд бўлган ва кечқурунги ботаётган қуёш нурлари хоналар ичига кўп миқдорда иссиқлик, инсоннинг кўриш орқали қабул қилиш қобилиятини ёмонлаштириувчи юқори ёртилганлик ва ялтироқликни олиб киради. Шу сабабли ташқи муҳит таъсирида ноҳуш шароитларнинг юзага келишига қарши курашиш мақсадида хоналар ичига кириб боровчи қуёш нурларини қайтариш, синдиришга мўлжалланган воситалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда энг самарадор ва қили олиш мумкин бўлган табиий воситалар деб кўп йиллар мобайнида синовдан ўтказилган қуёшдан ҳимояловчи қурилмаларни табиий воситалар деб ҳисоблаш мумкин. Уларнинг қурилиш – лойиҳалаш амалиётида

қўлланилиши болалар боғчаларидаги хоналар микроиклимни тартибга солиш (регулировкалаш)да қимматбаҳо сунъий воситалар: турли модификациядаги вентиляторлар ва кондиционерлардан кам ҳоллардагина фойдаланиш имконини беради. Бунда қуёш нурлари бактерияларга қарши юқори хоссага эга бўлишлилигини эътибордан четда қолдирмаслик жуда муҳимдир, гигиентиклар уларнинг дозировкаланган ҳажмларда болалар боғчаларининг асосий хоналарига киритилиши мажбурий эканлигини тасдиқлайди. Бундай хоссага эга бўлган қуёш ёруғлиги ҳавони зарарли бактериялардан тозалашни стимуллаштиради. Қадим замонлардаёқ буюк матафаккир Абу Али ибн Сино шундай деган эди: “Қаерга ёруғлик тушмас экан, уша ерга табиб келади”.

Бу иборадан келиб чиққан ҳолда турар-жой уйлари ичига қурилган минни – болалар боғчаларида бундай қурилмаларнинг қўлланлиши шартдир. Лойиҳалашнинг кўп йиллик амалиёти қуёшдан ҳимоялашнинг учта – горизонтал, вертикал ва комбинациялашган типларини ўрнатди (квадратли, қия кўринишдаги (кессонли). Горизонтал қурилмалар хоналарга қуёшнинг зенитли ҳолатида вертикал тушадиган қуёш нурларини бартараф этишга мўлжалланган бўлса, вертикал қурилмалар эса чиқаётган ва ботаётган қуёш нурларининг хоналарга вертикал тушишининг олдини олади (деразаларнинг ғарбий ва шарқий ориентациясида); квадратли ёки қия кўринишдаги (кессонли) тури эса қуёшнинг зенитли ва ён томонда жойлашиш ҳолатида тараладиган қуёш нурларининг ичкарига тушишини бартараф этишга хизмат қилади.

Қуёшдан ҳимоялашнинг барча бу турлари стационар ва регулировкаланадиган бўлиши ҳамда турли конструктив материаллар: металл, ёғоч, пластмассалардан ишланиши мумкин. Келишилган ечимларда улар бинонинг декоратив элементлари сифатида қўлланлиши ҳам мумкин. Зарур бўлган ҳолларда электр энергиясини ишлаб чиқарадиган қуёш коллекторларининг ясси контрукциялари ва габаритларидан фойдаланиш мумкин.

Болалар муассасалари хоналарида комфорт микроиклим шароитларини яратиш ечимларини ишлаб чиқишда болалар кундузи кўп вақт давомида бўладиган ухлаш, гуруҳлар ва ўйин хоналарининг аэрациясига алоҳида эътибор қаратиш тақоза этилади. Айниқса иссиқ иқлим шароитларида уларнинг тархи уларнинг кўп марталик шамоллатилишини таъминламоғи лозим. Бунинг учун хоналарни шамоллатишнинг горизонтал, бурчакли вертикал системаларидан фойдаланиш тақоза этилади.

Педагогик ва гигиеник талабларни ҳисобга олган ҳолда Юнусобод турар-жой массиви, 19 – микрорайондаги 5 ва 9 каватли уйларнинг тархий структурасидаги 16, 20 ва 24 ўринга мўлжалланган мини – боғчаларнинг вариантлари ва “яшаб кета олиш” имкониятлари таҳлил қилинган.

Иқтисодий мақсадга мувофиқлик талаблари.

Массавий қурилиш шароитларида болалар муассасаларини қуришга ажратиладиган молиявий маблағлардан тежамкорлик билан фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Турар-жой уйлари ичига қуриладиган мини-болалар боғчалари тўғрисида сўз борганда, шу нарса ажабланарли бўладики, бу мақсадга эришиш учун энг иқтисодий нуқтаи назардан минимал сиғимга эга бўлган боғчалар мақбулроқ деб топилади: улар таркиб топган тархига енгил киритилади, катта деструктив ишларни талаб этмайди ва катта ер участкалари ажратилишига эҳтиёж сезилмайди.

Мавжуд микрорайонлар яшаш тузилмаларида улар (мини-боғчалар) фаолият юритаётган умумий типдаги болалар ясли-боғчаларининг қўшимча структуравий элементлари сифатида намоён бўлади. Иқтисодий таҳлил ва ҳисоблашлар асосида янги қурилаётган микрорайонларда фақат битта 660 ўринли комплекс болалар ясли – боғчаси билан чегараланиш кифоя эканлиги белгиланди.

Умумий типдаги болалар ясли-боғчалари нафақат турар-жой фонди юқори тиғисликда жойлашган ҳудудларда қурилади, балки улар шаҳардаги тиғис турар жой фондига қараганда анча тарқоқ жойлашган турар жой

фондига эга бўлган шаҳар типигаги посёлкаларда, катта бўлмаган қишлоқ пунктларида ҳам қурилади. Шунга боғлиқ равишда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари типларининг амалдаги номенклатурасида **50, 90, 140, 160, 280, 320** ўринли болалар ясли-боғчалари ва **560 ҳамда 640 (660)** ўринли йирик боғча комплекслари кўзда тутилган. Мамлакатимиз манфаатлари мактабгача ёшдаги болалар муассасалари типларининг бундай диапозони бўйича уларни қурилишга қўллашни талаб этади. Бироқ мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг кўп типли биноларини лойиҳалаш ва қуриш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ деб топилмайди. Бу масаланинг ечимларини излаб топиш, юқорида таъкидланганидек (немис архитекторларининг тажрибаси ва Россиядаги “Росток” болалар боғчасининг лойиҳавий ечимлари) модулли система асосида мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларини қуриш иқтисодий жиҳатдан энг мақбул вариант эканлигини аниқлаб берди. Анча деталли қараб чиқишда бу концепция ўзида мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларини функционал блоklarнинг чегараланган сони - модулидан келиб чиққан ҳолда комплекшлаштириш: ясли, боғча гуруҳлари ва маъмурий – хўжалик хоналарининг умум боғча хоналари – мусиқа ва гимнастика заллари, методик хоналар, кутубхона ва шу кабилар билан биргаликда ягона ҳажмга бирлаштириш усули (приёми)ни ўзида намоён этишини кўрсатиш мумкин. Алоҳида функционал блоklarдан ташкил топган бундай модулли система, бизнинг фикримизча, ўзининг юқори иқтисодий тежамкорлиги билан катта бўлмаган капитал маблағларсиз исталган қурилиш шароитларига енгил мослашадиган фазовий структурани ўзида намоён этади.

Хоналар таркиби ва майдонларини қиёсий таҳлил қилиш асосида (меъёрий манбалар: ВСН 49-86. Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари. Лойиҳалаш меъёрлари, ҚМҚ П – Л. 3-71 Болалар ясли-боғчалари). (9-жадвал иловаларига қаранг) бизнинг томонимиздан ясли гуруҳлари хоналарининг модулининг битта типи, боғча гуруҳларининг худди шундай

9-жадвал

**50-90, 140-160, 280-320, 560-640(660) ўринларга мўлжалланган
универсал маъмурий-хўжалик ва умумбоғча хоналарининг блок-
модуллари**

№	Хоналарнинг номи	50-90	140 -160	280-320	560-660
	1. Тиббиёт хоналари				
1	А) тиббий хона	6	8	10	12
2	Б) изолятор:				
3	қабул қилиш хонаси	-	4	6	6
4	палаталар	-	12/2х6	18/3х6	24/6х4
5	хожатхона	-	2	4	4
	2) Маъмурий-хўжалик хоналари				
6	А) Мудир хонаси	6	9+ хўжалик мудир	9+ хўжалик мудир	10, хўжалик мудир -6
7	Б) Ходимлар хонаси	-	8	12	14
8	В) Девонхона - бухгалтерия	-	-	-	10
9	Г) Методик хона	-	-	10	12
10	Д) Муסיқа ва гимнастика машғулотлари хонаси	-	75	100	120
11	200 ўриндан кам бўлмаган мактабгача гуруҳлар болалари учун чўмилиш ҳавзаси			3х7, комн. Трен 6.	
12	Худди шундай 500 ўриндан кам бўлмаган мактабгача гуруҳлар болалари учун чўмилиш ҳавзаси				6х10м, тренер- 10м2
13	Е) Ходимлар ошхонаси	-		-	10
	3) Кир ювиш хонаси билан биргаликда овқатланиш блоки:				
14	А) идиш-товоқларни ювиш хонаси билан биргаликда кухня	21	32	46	40
15	Б) Тайёрлов хонаси	-	-	-	16
16	В) Овқатларни тарқатиш хонаси	-	-	-	8
17	Г) Контейнер хонаси	-	-	-	6
18	Д) Сабзавотларни сақлаш хонаси	4	5	6	8
19	Е) Қуруқ маҳсулотларни сақлаш хонаси	7	8	12	14
20	Ж) тоза чойшабларни сақлаш хонаси		8	10	14
21	З) Кир ювиш ва ажратиш хонаси	10	14	18	25
22	И) Қурутиш ва дазмоллаш хонаси	-	-		15
23	К) Хўжалик омборхонаси	6	8	12	16
24	Л) Ходимлар учун душ ва хожатхона	3	5	5	6
	Ҳаммаси бўлиб ишчи майдон, м² да	63	190	225	459

Манба: ҚМҚ (СНИП) П-Л.3-62. Болалар ясли-боғчалари. Лойиҳалаш меъёрлари;

модулдаги битта типи (ва универсал маъмурий-хўжалик ва умумбоғча хоналари блок-модулларининг тўртта: 50-90, 140-160, 280-320, 560-640(660) ўринли типлари (10-жадвал).

Ясли ва боғча гуруҳларини тархлаш, зарур бўлган ҳолларда, уларнинг ойнали ҳамда икки қаватли ечимини олиш имконини беради.

Жадвалдаги маълумотларга аосланган ҳолда маъмурий-хўжалик ва умумбоғча хоналари блок-модулларининг схематик тархий ечимлари ишлаб чиқилди.

Ҳисоблаш йўли орқали бизнинг томонимиздан маъмурий-хўжалик ва умумбоғча хоналарининг блок-модуллари билан биргаликда ясли ва боғча гуруҳларининг тўлиқ таркиби ўрнатилди.



10-жадвал

Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг модул типдаги комплекслари


50 - 90 ўрин				140 -160 ўрин				280 - 320 ўрин			
1-тур 50 ўринли МТМлари учун		2-тур 90 ўринли МТМлари учун		1-тур 140 ўринли МТМлари учун		2-тур 160 ўринли МТМлари учун		1-тур 280 ўринли МТМлари учун		2-тур 320 ўринли МТМлари учун	
Ясли блоки	Боғча блоки	Ясли блоки	Боғча блоки	Ясли блоки	Боғча блоки	Ясли блоки	Боғча блоки	Ясли блоки	Боғча блоки	Ясли блоки	Боғча блоки
25	25	20	25	20	25	20	25	20	25	20	25
ўринга	ўринга	ўринга	ўринга	ўринга	ўринга	ўринга	ўринга	ўринга	ўринга	ўринга	ўринга
1	1	2	2	2	4	3	4	4	8	6	8
1-қават	1-қават	1-қават	1-қават	1қават	2қават	1-қават	2-қават	2-қават	2-қават	2-қават	2-қават
560 - 600 ўрин											
560 ўрин											
660 ўрин											
1-тур 560 ўринли МТМлари учун				2-тур 660 ўринли МТМлари учун							
2 та корпус		4 та корпус		3 та корпус		4 та корпус					
Ясли		Боғча		Ясли		Боғча					
80/4грх20		100/4грх25		240/4грх20		100/4грх25					
(8 гуруҳ)		(16 гуруҳ)		(12 гуруҳ)		(16 гуруҳ)					
Умумий 160		Умумий 400				Умумий					
2 қават		2 қават		2 қават		2 қават					

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари модулли типларининг жадвал маълумотлари асосидаги структурали ташкил этилиши 12- расмларда келтирилган график тасвирда ўз аксини топган.


Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг модул типдаги ташкилий структуралари вариантларининг график тасвири




50 ўринли модул типдаги МТМлари схемаси




90 ўринли модул типдаги МТМлари схемаси




140 ўринли модул типдаги МТМлари схемаси




160 ўринли модул типдаги МТМлари схемаси




280 ўринли модул типдаги МТМлари схемаси



320 ўринли модул типдаги МТМлари схемаси



Республиканинг қишлоқ районлари мутлақо кўп жиҳатли қурилиш шароитларига эга. Шаҳар шароитларидан фарқли ўлароқ қишлоқ районларида иқтисоднинг қаттиқ рамкаси қурилиш объектларининг компактли (ихчам) тархий ечимларини талаб этади, бу ердаги шароитлар мактабгача болалар муассасаларининг тархий ечимлари ва ҳажмий-фазовий композицияларига катта эркинликни бериш имконига эга.




13-расм. Қишлоқ мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг модулли тархий структура асосидаги композицион ечимлари вариантларининг

Ҳажмий-фазовий ечимларнинг турли образлилиги ва оригиналлиги атрофига ясли ва боғча гуруҳларининг гуруҳланадиган “бош” корпус, маъмурий – хўжалик ва умум боғча хоналарининг шакли ҳамда тархӣ структураси билан аниқланади (13-расм).

14-расмда Ўзбекистон қишлоқ жойларида қуриладиган 100 ўринли модулли болалар ясли-боғчасининг лойиҳавий ечими кўрсатилган.



Тарз



Тарх

Мазкур лойиҳавий ечимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, боғча биноси зарур бўлган ҳолларда бошқа композицион вариантларга, масалан, расмда кўрсатилганидек трансформацияланиши мумкин.



Бош тарх




Умумий кўриниши

Бадий – эстетик талаблар.

Ўзбекистонда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг замонавий модий-техника базасини ўрганиш унинг асосан олдинги асрнинг ўрталарида ишлаб чиқилган эски намунадаги типли лойиҳалар бўйича шаклланганлигини кўрсатади. Бу лойиҳалар қаттиқ иқтисодий талабларни ҳисобга олган ҳолда яратилган бўлиб, улар чегаравий содда, кам кўркемлик шаклларда, паст даражадаги архитектуравий-образли

ечимлар асосида қурилган ва болаларнинг қабул қилувчанлик психологиясига жавоб бермас эди. Хориж тажрибасини таҳлил қилиш болалар муассасалари ташқи кўркемлиги ва тархӣй ечимлар платикаси бўйича уларнинг бадий-образли маънода мутлақо кўп образли ва кизқарли ҳамда бой палитрасини бизга очиб берди. Бу ҳақда қуйида келтирилган мисоллар гувоҳлик беради.

Далян шаҳридаги (Хитой) болалар боғчаси оддий бўлмаган иқлим шароитлари таъсири остидаги (шамолли қиш шароитларида) биноларнинг ҳажмий-фазовий ва тархӣй композицияларини шакллантиришга мисол бўлади. Боғча биносидаги жанубга қаратилган деразаарнинг кенг текилслигига эга бўлган маъмурий қанотининг ёйсимон бетонли фасади унинг юқори образли кўркемлигини таъминлайди. Архитектуравий пластикага синф хоналари модуллари билан эришилган, улардан ҳар бири “мўрт чўплар тўплами билан ҳимояланган”. Қурилиш материаллари сифатида қуйма бетон, ёғоч композитли девор панеллари, топланган шиша пакетлар ва маъмурий қанот томи учун гофрланган цинкали пўлат қўлланилган.



15–расм. МЁБМ, Хитой, Далян ш.


Миннесота (АҚШ) штатидаги болалар боғчаси турли габаритлар ҳажмлари ва конструктив ечимларнинг ноодатий уйғунлашуви билан

тавсифланади (характерланади). Ноодатий тархий ечим турли ёшдаги болалар гуруҳларини жойлаштириш учун иккита қанотни ўз ичига олади. Бу блок хоналарига соғломлаштириш – спорт функциялари ҳажми ҳамда кухня билан биргаликда тушлик – овқатланиш зонаси ҳам бирикади. Бу боғча учун деразалар системасининг боғча гуруҳлари гуруҳида жойлашиши харктерлидир. Улар бир қарашда, бутун девор периметри бўйлаб тартибсиз (хаотик) жойлашгандек туюлади, лекин бу онгли равишда (оқилона) шундай бажарилганки, натижада турли ёшдаги болалар деразалар орқали болалар майдончасига, ям-яшил кенгликларга қараш имкониятига эга бўладилар.



16 - расм. МЁБМ, АҚШ, Миннесота штати

Стокгоlmдаги (Швеция) болалар боғчаси



17-расм.МТМ, Швеция, Стокгоlm ш.

Унинг муаллифларининг эркин ижодий фантазиясини ўзида яққол намоён этади. Бу болалар боғчасининг ёрқин архитектуравий кўркемликка тархия ечимнинг ноодатий пластикаси, ташки тўсиқлар бутун сиртининг равшан олтин рангда жилоланиши ва уларнинг ўлчами 50x50 см бўлган ёғоч ўлалардан бажарилган фактураси билан эришилган, бу ўлалар шундай тартибда навбатма-навбат қўйилганки, уларнинг орасидан қуёш нурлари хоналар ичига кириб боради.

Зальцбург яқинидаги Сигхаршейн шаҳридаги болалар боғчаси (Австрия), Kadawittfeldarchitektur немис бюроси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у атроф-муҳити яшил ландшафт билан букралган болалар боғчаси биносининг оригинал архитектурасини ўзида намоён этади. Бунга атрофи табиат билан қуршалган хамилион сифатидаги болалар боғчаси биноси фасадига “мимикри” услуби (приёми) орқали ўтлоқ тасвири туширилган металл пластиналар билан декоратив безак бериш билан эришилган. Абстракт стиллашган “ўтлоқ”қа эга бўлган бу болалар боғчаси биносининг фасади архитектура ва атроф-муҳит табиатининг уйғунлашуви (гармонияси)ни ўзида намойиш этади, лекин болалар боғчаси муассасасининг муайян образини ўзида аниқ акс эттирмайди.

Монтай шаҳридаги Болалар боғчаси (Швейцария)



18 – расм. МЁБМ, Швейцария, Montney

Ўзида рангли гамманинг турли катталиқдаги дераза ва эшик габаритлари билан уйғунлашган архитектуравий тузилмани намоён этган. Бу ерда

ховли участкасида яшил экилмаларнинг мавжуд эмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиздир, муаллифлар йирик деразалар ойналарида дарахтлар ва бошқа ўсимликлар тасвирини бажарганлар, шу билан ойналар орқасида яшил ландшафт иллюстрациясини яратишга муваффақ бўлишган.

Хеддернхайдаги болалар муассасаси абстрактли санъатнинг архитектура билан синтез қилинганлигини ўзида намоён этади. Бу мисолда паст бадий сифат ва бинонинг ўзида архитектуравий – бадий образликнинг йўқолганлиги яққол кузатилади.



19-расм. Хеддернхаймдаги болалар боғчаси, Франкфурт-на-Майне, (Германия)


Болалар муассасаларининг архитектуравий - бадий образи борасида Россия лойиҳа-қурилиш амалиётида ҳам кўплаб қизиқарли мисолларни учратамиз. Ушбу болалар боғчасига оид мисоллар куйидаги расмларда кўрсатилган:

Болалар боғчасининг архитектуравий қиёфаси умумий архитектуравий тузилма силуетида бинонинг четки бурчакларида конуссимон шаклларда ҳосил бўлган том ёпилмасининг динамик структурасида қурилган. Болалар боғчаси биносининг бундай образли ечими балаларга уларнинг китобларда ўқиган ёки эшитган сеҳрли эртакларидаги афсонавий саройларни эслатиб туради.

Кириш жойларининг бадий ечимлари. Чет эл амалиётида турар-жой бинолари ичига қурилган болалар боғчаси ёки болалар боғчаси ҳудудига кириш жойларини бадий безатишга оид кўплаб мисоллар мавжуд (20-расм).



20-расм. Турар-жой уйлари ичига қурилган “Семицветник” (“Етти ранг”) мактабгача ёшдаги болалар боғчаси (Москва). Болалар боғчасига кириш жойининг концептуал ечими.



21-расм. Кустово-ковлевск туманидаги қишлоқдаги 220 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси

Келтирилган расмлардан биринчисида кириш жойининг бетондан ишланган ажойиб бежирим шакллардаги пардоз деталлар билан бадий безатилганлиги кўрсатилган бўлса, иккинчи расмда эса одатдаги болалар

боғчаси ҳудудидаги кириш жойига Гулливёр фигураси тасвирланган. Бу ечимларнинг иккаласида ҳам болалар боғчасининг кириш жойи болаларга яхши ва қувончли кайфият бағшида этади.

Мактабгача ёшдаги болалар боғчасини лойиҳалашнинг навбатдаги муҳим омили - бу **интерердир**. Ички фазовий кеглик (тузилма) боланинг баркамол ривожланиши билан узвий боғлангандир. Шу сабабли чет эл амалиётида бу аспектга алоҳида эътибор қаратилади. Қуйида келтирилган мисоллар муаллифларнинг беқиёс фантазиялари тўғрисида гувоҳлик беради, болаларга ёшига мувофиқ улар бўладиган муҳитда ўзларини ҳимояланган ва ўз қизиқишлари бўйича машғулотларни эркин танлашларида функционал ва эстетик борада энг яхши ва шинам, комфорт шароитларни яратишга интилиш сезилади.

Норвегиядаги Тромсё шаҳридаги болалар боғчаси интерерининг қизиқарли ечимини ҳосил қилишга ёндашилган — деворларнинг конструкцияси исталган габаритлардаги хоналарни ва шакллариини машғулот урларига ҳамда ўқув-тарбиявий — тарбиявий жараёнларга боғлиқ ҳолда трансформациялаш имконини беради.

Чет эл лойиҳалаш амалиётида участкаларни **ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга** алоҳида эътибор қаратишади. Участкаларга бундай юқори даражада эътибор қаратиш, аввалом бор, уларга болалар организми учун саломатлик манбаи сифатида қарааш билан тушунтирилади.

Тоза ҳаво спорт снарядлари, сув сачратувчи ҳавзачалар, кичик архитектуравий шакллар ва кўкаламзорлар уйғунлигида болаларнинг организмни тоблантирадиган ва уларнинг жисмоний (физик) ривожланиши учун зарур бўлган муҳитни яратади. Ҳудудни самарадор (эффектив) ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аввалом бор, функционал зоналар, ўйин майдончалари жиҳозлари — тоғчалар, турниклар, ҳалгимчаклар ва шу кабиларнинг оқилона ечилишини кўзда тутади.

Юқорида кўриб чиқилган мисоллар замонавий мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг бадий-эстетик маънода жуда қизиқарли ва жозибадор архитектуравий қиёфасини яратишда чегараси йўқ имкониятлар мавжудлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Бу ерда биз ёпиқ фазовий тузилманинг атроф-муҳитга очик турган қатъий ва эгилувчан тархий ечимларини, атроф-муҳит табиатини яхши кўриш мулоқотини, гуруҳ хоналарининг ҳаво ва ёруғлик билан тўлганлигини, ортиқча декоратив безаклар ва жиҳозлардан билан юкланганликдан ҳоли бўлган хоналарнинг интерьерларида қувноқ колоритни кўрамиз ва ҳис қиламиз кўрамиз. Бундай болалар боғчаларига болажонлар яхши кайфият билан боришади ва ўзларининг вақтини қизиқарли архитектуравий муҳитда ўтказадилар.

Юқорида таъкидланганларга асосанланиб, мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг архитектуравий ечимида типли лойиҳалашни бошидан кечирган эски қизиқарсиз ва жозибасиз стереотиплардан воз кечиш ва архитектуравий – бадий борада мактабгача ёшдаги болалар муассасалари архитектурасини бола организмнинг ўз масшабли қабул қилишининг юқори пластикли образли ечимларига ўтиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Модулли система бу борада архитекторлар ва лойиҳачилар ижоди учун мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг кўп образли юқори бадий архитектуравий намуналарини яратишда чегарасиз имкониятларни очиб беради, бу билан турар-жой қурилиши атроф-муҳити табиатида Ўзбекистоннинг замонавий микрорайонлари ва қишлоқ турар-жой тузилмаларининг композицион доминантлик роли яққол намоён бўлади.

Қуйида ишлаб чиқилган эскизли ишланмаларда бизнинг томонимиздан таклиф қилинаётган замонавий болалар боғчасининг архитектуравий образини модулли асосда қуриш ва турар-жой уйларига ички қурилган мини-болалар боғчаларига кириш жойларини безатиш вариантлари кўрсатилган.

III боб бўйича хулоса

1. Ўзбекистонда мактабгача таълим хизматларини максимал кўрсатишни таъминлаш мақсадида мактабгача ёшдаги болалар муассасалари модулли универсал типларининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган 50-90, 140-160, 280-320 и 560-640(660) ўринли ясли гуруҳлари учун модулларнинг иккита типи ва боғча гуруҳлари учун эса модулларнинг тўртта типи билан маъмурий-хўжалик ва умум боғча вазибаларини бажарувчи функционал модулларининг компоновкалаштириладиган қисқартирилган номентклатураси таклиф этилади.

2. Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг архитектуравий ечимида типли лойиҳалашни бошидан кечирган эски қизиқарсиз ва жозибасиз стереотиплардан воз кечиш ва архитектуравий – бадий борада мактабгача ёшдаги болалар муассасалари архитектурасини бола организмнинг ўз масштаби қабул қилишининг юқори пластикли образли ечимларига ўтиш зарурлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Модулли система бу борада архитекторлар ва лойиҳачилар ижоди учун мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг кўп образли юқори бадий архитектуравий намуналарини яратишда чегарасиз имкониятларни очиб беради, бу билан турар-жой қурилиши атроф-муҳити табиатида Ўзбекистоннинг замонавий микрорайонлари ва қишлоқ турар-жой тузилмаларининг композицион доминантлик роли яққол намоён бўлади.

3. Типли лойиҳалаштириш системасини бошидан кечирган қатъий шаклларнинг эски стетеотипларидан воз кечиш ва Ўзбекистон миллий меъморчилигининг кўп образли тархий ва декоратив элементларидан фойдаланган ҳолда мактабгача болалар муассасаларининг замонавий, юқори бадий ва пластик шакллариға ўтиш тақоза этилади.

Хулоса

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидагилар ўрнатилди ва таклиф этилади:

1. Хусусий мактабгача болалар муассасаларини кенг ривожлантириш Ўзбекистонда болалар ясли-боғчаларида ўринлар танқислигини компенсациялаш учун яхши шароитларни яратади. Бироқ бундай системанинг камчилиги – бу унинг стихияли ривожланиши, шаҳарларнинг бутун ҳудуди бўйича ҳар хиллиги (Тошкент мисолида) билан тушунтирилади. Бундан ташқари бундай болалар муассасаларининг кўпчилигида болаларга таълим – тарбия беришда педагогик фаолиятга тайёрланмаган шахслар ишлашмоқда.

2. Бу муаммонинг Юнусобод массиви 19-микрорайон базасида ўрганилиши, бу борада мамлакатимиз ва чет элларда тўпланган тажрибани таҳлил қилиш эътиборни микрорайонлар чегарасида турар-жой уйларига ички ва қўшиб қуриладиган мини-болалар боғчалари тармоқларини ривожлантиришга қаратилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги концепсияни яратишга олиб келди. Бундай системада мини-боғчалар тармоғи мавжуд бўлган умумий типдаги “бош” болалар боғчаси билан боғланганликда қурилади ва бу тармоқ мусиқа ҳамда гимнастика, шунингдек овқатланиш залларига эга бўлган марказий шаклдаги ўқув-тарбиявий база билан таъминланади. Давлат учун бу йўналиш маъқул келади, чунки бу йўналиш бир томондан моддий харажатлар билан боғланмаган бўлса, бошқа томондан эса болаларнинг ривожланиши ва тарбияланиши учун нормал (яхши) педагогик ҳамда санитар-гигиеник талабларга жавоб бера оладиган шароитлар таъминланади.

3. Замонавий лойиҳа – қурилиш амалиётида турар-жой уйларига ички қуриладиган мини-боғчаларни қўллаган ҳолда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари тармоқларини ташкил этиш перспектив микрорайонлар структурасида ҳам ўзининг фаол тадбиғини топади.

4. Тадқиқотларга мувофиқ бундай вазиятларда перспектив микрорайонларнинг тархӣи структураси “микрозоналар” асосида шакаллантирилмоғи лозим, бу микрозоналар одатдаги типли “бош” мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг филиаллари бўлган турар-жой уйлариға ички қурилиган мини-боғчалар билан биргаликдаги таркиби билан йирик, ривожланган моддий-техник борадаги таъсир сферасини ўзида намоён этади. Тармоқларни ташкил этишнинг бундай системаси учун 660 ўринли йирик болалар ясли-боғчаси комплексини қуриш иқтисодий жиҳатдан мақбул деб ҳисобланади.

5. **50-90, 140-160, 280-320** ва **560-640(660)** ўринларға мўжалланган модулли болалар муассасаларининг бош ижобий хусусияти - бу уларнинг амалда ҳажмий-фазовий ва тархӣи структуралар бўйича чегараланишларға эға бўлмаслиғи билан тушунтирилади. Бу уларға катта бўлмаган моддий (молиявий) харажатларсиз енгил исталган қурилишнинг шаҳарсозлик ва ландшафт шароитларига кириб бориш (қўшилиш) имконини беради. Бу **100** ўринли қишлоқ модулли боғча мисолида яққол кўринади.

6. Мамлакатимизда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини қуриш бўйича тўпланган тажрибани ўрганиш ҳамма шаҳар ва қишлоқ тузилмаларида қурилишида асосан типли болалар ясли-боғчалари қўлланганлигини кўрсатади. Илмий асосланган меъёрлар ва тавсиялар асосида яратилган (бунёд этилган) бу бинолар юқори эксплуатацион сифатларға эға бўлсада, лекин бари-бир эстетик жиҳатдан уларда образлилик ва юқори бадий жозибадорликнинг мавжуд эмаслигини “бошидан кечирганлиғи” ҳеч кимға сир эмас. Бундай камчиликларни болаларни томоша қилиш ва психологик чарчашиға олиб келадиган номуносиб безатишлар, декоратив элементлар ва кичик архитектуравий шакллар билан ортиқча юклантириш орқали компенсациялаш (бартараф этиш)ға маъмурият томонидан уринишлар амалға оширилган.

7. Бола организмни эстетик тарбиялаш манфаатларини кўзлаш ҳамда шаҳар ва қишлоқ турар-жой тузилмалари интерьерларини янада

бойитишда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари биноларининг архитектуравий пластикаси ва бадий-образли ечимига айниқса алоҳида талаблар қўйиш, болалар катта қизиқиш ва қувончли кайфият билан ташриф буюрадиган болалар боғчаларини барпо этишда архитекторлар ва курувчилар ижодига катта эркинлик бериш лозим деб ўйлаймиз.

8. Ўзбекистон статистика бошқармаси маълумотлари асосида қуйидаги ҳисобий меъёрлар ва тавсиялар ўрнатилган, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари тармоқларини ҳисоблаш вақтида уларга таяниш тақоза этилади:

- 1000 нафар яшовчига тўғри келадиган болаларнинг умумий сони – **154 та;**

Зичлиги

3000 дан **6700** гача (1 Га тўғри келадиган умумий яшаш майдони, м²) бўлган турар-жой фондига эга бўлган перспектив микрорайонларнинг турар-жой тузилмалари қурилиши учун 660 ўринли болалар ясли-боғчасини “бош” йириклаштирилган комплекс сифатида қўллаш зарурдир;

Турар-жой уйларига ички қурилган **16, 20, 24** ўринли мини-боғчалар типларини мавжуд бўлган микрорайонлар учун ҳам перспектив микрорайонлар учун ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ келади.

Фойдаланилган адабиётлар

РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бизнинг жонажон муқаддас юртимиз, сенинг мустақиллигинг доимий бўлсин” Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали чиқишидаги нутқи. Халқ сўзи, 2006 йил 2 сентябр.

2. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат мактабгача таълим муассасаларини яратиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари” 1999 йил 24 июндаги №313 қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси нодавлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисида” ги 225 сонли қарори.

II. Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар:

4. ШНК 4.13.53-04 “Детские дошкольные учреждения”

5. СНиП П-60-75 «Планировка и застройка городов, поселков и сельских населённых пунктов»

6. КМК 2.08.02-96 “Общественные здания и сооружения”

III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

7. Х.М.Убайдуллаев, М.М. Иногорова. –Т.: “Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари” voris-nashriyoti, 2009. 384-б.

8. Градов Г.А. Город и быт. М., Стройиздат, 1968

9. Калмыкова В.А. и др. Сельский детский сад. М., «Просвещение», 1973.

10. Макарова И.А. и др. Озеленение участка детского сада. М., «Просвещение», 1972.

11. Сычева А.В. Загородный отдых детей (планировка и застройка учреждений отдыха). М., Стройиздат, 1971.

12. Д е м и н а Э.М. (Применение зрительных люминесцентных ламп \в системе общего искусственного освещения детского сада. — В кн.: «Ультрафиолетовое излучение. (Биологическое действие и гигиеническое значение)». Сб. 4, М, «Медицина», 1966.

13. Калмыкова В.А. и др. “Сельский детский сад”. М., «Просвещение», 1973.

14. Макарова И.А. и др. Озеленение участка детского сада. М., «Просвещение», 1972.

15. Хидоятлов Т.А.-Т.: “Типология общественных зданий”//изд. Национальное общество философов Узбекистана. 2008.

16. Сычева А.В. Загородный отдых детей (планировка и застройка учреждений отдыха). М., Стройиздат, 1971.

IV. Илмий журналлардаги мақолалар:

17. Градов Г.А. Система культурно-бытового обслуживания, типы школ и дошкольных учреждений микрорайона и жилого района// Архитектура СССР.- Москва 1969, № 12

18. Боровков А.А. Об организации сети зданий дошкольных учреждений в городе//Строительство и архитектура, - Москва 1969, № 7

19. Волков А.Г. По сетевым графикам. Новое в организации строительства школ и детских учреждений// Строительство и архитектура Ленинграда. 1966, № 9

20. Король И.Г, Свитко В. А. Новые типы детских дошкольных учреждений//Строительство и архитектура.эж1968, № 3

21. Кореневская Е.И., Рогачевская Л.Г. О новых типах детских учреждений.— «Гигиена и санитария», 1966, № 6

22. Лучина К.И. О перспективах проектирования детских дошкольных учреждений.— «Архитектура СССР».- Москва 1966, № 12

23. Назаров В.Ф. Назревшие вопросы организации детских зон здоровья. — «Строительство и архитектура Ленинграда», 1969, № 9

24. Рогачевская Л.Г., Генесская Р.И. Гигиеническая оценка детских учреждений крупной вместимости. — «Гигиена и санитария», 1970, № 12
25. Смоленская Р. М. Укрупнение и унификация зданий детских яслей-садов. «Архитектура СССР».- Москва 1966, № 12
26. Чалдымов А.К. Детские учреждения для укрупнённых микрорайонов.— «Архитектура СССР». - Москва 1966, № 4
27. Чурляев Б.А. Проектирование зданий детских учреждений — «Архитектура СССР».- Москва 1968, № 7
28. Бламериус В. Полимеры в отделке детских яслей-садов. — «На стройках России», 1968, № п
29. Волков А.Г. По сетевым графикам. Новое в организации строительства школ и детских учреждений. — «Строительство и архитектура Ленинграда», 1966, № 9
30. Градов Г.А. Система культурно-бытового обслуживания, типы школ и дошкольных учреждений микрорайона и жилого района. — «Архитектура СССР».- Москва 1969, № 12
31. Змеул С.Г. Экспериментальное проектирование и строительство школ и детских учреждений. — «Жилищное строительство», 1964, № 12
32. Кастель И.Н. Из полносборных конструкций. Проектирование и строительство детских учреждений. — «Строительство и архитектура», 1965, № 5
33. Король И. Г., Свитко В. А. Детские учреждения санаторно-оздоровительного типа. - «Строительство и архитектура», 1963, № 9
34. Корневская Е. И., Рогачевская Л.Г. О новых типах детских учреждений.— «Гигиена и санитария», 1966, № 6
35. Лучина К.И. О перспективах проектирования детских дошкольных учреждений.— «Архитектура СССР».- Москва 1966, № 12
36. Назаров В. Ф. Назревшие вопросы организации детских зон здоровья. — «Строительство и архитектура Ленинграда», 1969, № 9

37. Рогачевская Л. Г., Генесская Р. И. Гигиеническая оценка детских учреждений крупной вместимости. — «Гигиена и санитария», 1970, № 12
38. Смоленская Р.М. Укрупнение и унификация зданий детских яслей-садов. «Архитектура СССР», 1966, № 12
39. Чалдымов А.К. Детские учреждения для укрупнённых микрорайонов.— «Архитектура СССР».- Москва 1966, № 4
40. Чурляев Б.А. Проектирование зданий детских учреждений — «Архитектура СССР» .- Москва 1968, № 7
41. Назарова Л.Г. Принципы проектирования детских дошкольных учреждений Крайнего Севера. Автореф. дис. на соиск. учен. степени канд. архит. М., 1967
42. Корневская Е.И. Тепловое состояние детей как основа нормирования микроклимата школьных зданий. Автореф. дис. на соиск. учен. степени д-ра мед. наук. 1969,
43. Чурляев Б.А. Детские дошкольные оздоровительные учреждения. Автореф. дис на соиск. учен. степени канд. архит. М., 1964
44. Боровков А.А. Об организации сети зданий дошкольных учреждений в городе. — «Строительство и архитектура», 1969, № 7
45. Змеул С.Г. Новые типы зданий детских учреждений. Автореф. диссертации на соиск. учен. степени д-ра архит. М., 1967
46. Корневская Е.И. Тепловое состояние детей как основа нормирования микроклимата школьных зданий. Автореф. дис. на соиск. учен. степени д-ра мед. наук. 1969
47. Назарова Л. Г. Принципы проектирования детских дошкольных учреждений Крайнего Севера. Автореф. дис. на соиск. учен. степени канд. архит. М., 1967
48. Чурляев Б.А. Детские дошкольные оздоровительные учреждения. Автореф. Дис. на соиск. учен. степени канд. архит. М., 1964

V. Интернет сайтлари

49. <http://www.vrach.uz/43189-demograficheskie-processy.htm>
50. <http://podrobno.uz/en/cat/society/v-Uzbekistane-kolichestvo-detskih-sadov-dostiglo-5-nisyach/>
51. <http://www.karavan.tver.ru/gazeta/3063>
52. http://www.asi.ru/upload_docs/news/билдинг-сад.ppt
53. (РИАНовостиовсти<http://kurs.ru/news/34608/v-moskve-razrabotayut-proekty-vstroennyh-v-zhilye-doma-detsadov>).
54. <http://www.sibdom.ru/article.php.id=216>
55. <http://www.66.ru/realty/news/114300/>
56. <http://www.novate.ru/blogs/221210/16338>
57. <http://www.archidesignfrom.ru/334-deti-cvety-zhizni.-detskijj-sad-ot.html>
58. <http://www.arhinovosti.ru/2009/01/31/ksave-vilalta-xavier-vilalta-postroil-novyjj-detskijj-sadik-arreletes-arreletes-lerida-ispaniya>
59. <http://readmas.ru/design/interer/detskij-sad-glazaminorvezhcev.html>
60. <http://www.Vesti.uz/>